

**ДИКРАТ,  
ТАҒИД  
АКЦИЯ!**

**«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА  
БЎЛИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ  
СОҶИБИГА АЙЛАНИНГ!**



24.

@Xolisnazar

@Xolis\_nazar

www.mahalladosh.uz

# Маҳалла



№ 28  
(2010)  
2021 йил 10 июль



**МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ  
СОЛИҚ ИЙФИШГА  
МАЖБУРМИ?**

2.

**«SMART MAHALLA»:  
БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР  
БИР МАНЗИЛДА**

4.



**ДЕҲҚОННИНГ  
КОСАСИ ҚАЧОН ОҚАРАДИ?**

12.



**АЛИМЕНТ ВАСВАСАСИ  
АЖРАЛИШЛАРГА САБАБ  
БЎЛЯПТИМИ?**

13.

**ЭМЛАШНИ МАЖБУРИЙ  
ҚИЛИШ — СЎНГИ  
ЧОРА... (МИ?)**



11.

**ҚАЧОНГАЧА АЖНАБИЙ  
АТАМАЛАРГА «ҒАРҚ»  
БЎЛАМИЗ?**



14.



**БОЙЛАР КЎПРОҚ СОЛИҚ  
ТЎЛАШИ КЕРАКМИ?**

21.

# МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ СОЛИҚ ЙИҒИШГА МАЖБУРМИ?

Президенти-мизнинг 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи, қолаверса, давлатимиз раҳбари берган алоҳида топшириқларга асосан, мазкур вилоят мисолида маҳалла тизимини ўрганиш жараёнида ҳали тизимда қилинадиган ишлар, ҳал этиладиган муаммолар талайгина эканига гувоҳ бўлинганди.

Жумладан, Хоразм вилояти маҳаллалари фаолияти атрофлича ўрганилганда, йиғин раислари ҳали ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига оид ҳисоботлар юритиш, солиқ йиғимларини ундириш, аҳолига кўмир ва озик-овқат маҳсулотлари тарқатиш, ноқонуний қурилишларни бузиш, тизимга алоқаси йўқ турли йиғилишларда қатнашиш каби ўз фаолиятига мутлақо дахлдор бўлмаган юмушларга жалб этиб келинган. Бунинг оқибатида эса маҳалла ходимлари аҳоли бандлигини таъминлаш, жинойтчиликка қарши курашиш, ажралишларнинг олдини олиш каби ўзларининг бирламчи вазифалари билан шуғулланишга имкон ҳам, вақт ҳам топа олмаган.

## «Норма» бажарилмаса, дакки эшитилади»

Айнан шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, вилоятда «маҳаллабай» тизими йўлга қўйилганди. Хўш, ўтган вақт ичида юқоридаги камчиликлар бартараф этилдими? Таҳлилларга кўра, Президент ташаббуси натижасида ижобий ўзгаришлар



кузатилган. Аввало, маҳалла ходимлари нафақат Хоразмда, балки республиканинг барча ҳудудларида қишлоқ хўжалик юмушларига жалб қилишдан озод этилган, мажлисларга чақириш тўхтаган. Аммо жойлардаги маҳалла раисларининг эътирозича, айрим маҳаллий раҳбарлар томонидан ҳамон солиқ йиғимларини ундиришга мажбурлаш ҳолати учраб турибди.

Мисол учун, Кўшкўпир туманидаги маҳаллаларда аксар раислар солиқ йиғишга мажбурланяпти. Уларнинг зиммасига аниқ суммалар режа сифатида юклатилмоқда. Бажара олмаганлар кунлик таҳлилларда дакки эшитилади. Ҳатто ишдан бўшатиш билан кўрқитилмоқда. Жумладан, Нодир Воҳидов (ишдан

бўшатиб юборишларидан кўрқиб, исм-фамилияси ва маҳалласини сир сақлашимизни сўради) 2018 йилдан бери маҳалла раиси бўлиб ишлади.

— Ҳокимликдан ҳар бир маҳаллага аниқ режа қўйилган, — дейди у. — Бажара олмаса, ишдан бўшат, йўқот, дея таҳдид қилинади. Ҳозирги 50 градус иссиқда дева-надек уйма-уй юриб, пул йиғиш осон эмас. Одамлар ҳам ҳуқуқини билади. Борсак, муддати бор, ўша пайт тўлаймиз, дейди. Бу ёқда ҳар кунги мажлисда ишлайман, деб дакки беришади. Маҳалламизга 40 миллион сўмдан ортиқ режа қўйилган.

Яна бир суҳбатдошимиз «Уйғур» маҳалласи раиси Рўздат Ибрагимовнинг фикрича, чиндан маҳалла ходимлари

солиқ ходимларига йиғимлар ундиришда ёрдам беради. Аммо бунга уларни ҳеч ким мажбурламайди. Маълум бўлишича, маҳаллага ҳам 10 миллион сўмдан ортиқ режа қўйилган. Ходимлар аҳоли билан тушинтириш олиб бориб, солиқ йиғимларини ундиришга ёрдам бермоқда.

— Бунга эътирозимиз йўқ, — дейди «Ғалаба» маҳалласи раиси Аллаёр Нурралиев. — Фақат шу йиғимлардан маълум фоизи маҳалла ихтиёрига ўтказилса, яхши бўларди. Мисол учун, мен ҳар йили камида 80 миллион сўм йиғим ундираман. Шундан 10 фоизи маҳалламизга ажратилса, турли саховат ишларига сарфлардик. Аслида, солиқларни аҳоли ўз вақтида тўлаши ҳаммамизга фойда. Ахир шу маблағлардан маҳаллаларимиз обод бўлади.

## Масъуллар нима дейди?

Бу ҳолатдан вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутасаддилари хабардорми? Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бош мутахассис Санжар Якубовнинг айтишича, маҳалла ходимлари солиқ ва бошқа тўловларни йиғишга мажбур эмас. Агар шундай ҳол содир этилса, улар ўзи ҳам ҳуқуқларини билиши ва ҳимоя қилиши керак. Қолаверса, солиқ ва бошқа йиғимларни ундиришда ёрдамлашса, қонунчиликка кўра йиғилган суммадан 10 фоизини маҳаллага ўтказиб беришни талаб қилиши лозим. Аввалдан шу ҳақда шартнома тузишни тақлиф қилиши керак.

Биз Қўшкўпир туманидаги ҳолатга изоҳ сўраганимизда, С.Якубов айнан шу туман ҳокими жараёнда фаол бўлган маҳалла ходимларига турли рағбатлантириш мукофотлари берганини айтди. Демак, бундан хулоса

қилиш мумкинки, туманда маҳаллалар ходимлари чиндан ҳам солиқ ва бошқа йиғимлар ундиришга жалб қилинётир. Аммо туман ҳокими Жўрабек Раҳимов ҳеч бир маҳалла ходими солиқ йиғишга мажбурланмаётганини таъкидлади. Қизик, у ҳолда нима учун ҳокимбува солиқ йиғимларини ундиришда фаол қатнашган ходимларни рағбатлантирган? Сезганингиздек, шу ерда мантиқ бузилиб қоляпти.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга кўра, маҳалла ходимлари аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашадик. Фуқаролар томонидан коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ ва ўз вақтида, ҳисоб-китобини банклар орқали амалга оширган ҳолда тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан биргаликда уюштилади ва назорат қилади. Аҳоли коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашни таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам бериш, фуқаролар йиғинлари органларининг ходимларини рағбатлантириш учун, шунингдек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга оид ишларни ўтказишга ишлатади.

Юқоридаги мисолларда маҳалла ходимлари айнан шу жиҳат эътиборга олинмаётганидан норози бўлишмоқда. Чиндан ҳам, йиғилган пуллардан ўзаро шартнома орқали маҳаллага ўтказиб берилса, икки томонлама фойдали битим бўлмайдими?

Абдурахмон ФАЙЗ.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

# ВАҲИМА ТАРҚАТГАНЛИК УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК МАВЖУД

— Ўзбекистонда коронавирус ҳолати қайд этилди. Бу орада интернет тармоқларида касаллик билан боғлиқ турли ваҳималар ҳам кўтарилди. Айтинг-чи, одамлар орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар учун жавобгарлик белгиланганми?

Нуриддин  
ШАРИПОВ.  
Тошкент  
шаҳри.

**Сурайё  
ҒАФФОРОВА,  
Адлия вазирлиги  
масъул ходими:**  
— Жиноят кодексида мувофиқ, аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни таъйёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш 44 млн. 600 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан

махрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай бундай мазмундаги маълумот ва материалларни тарқатиш 66 млн. 900 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқоридаги ҳаракатлар олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томо-

нидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб, диний ташкилотлардан, шунингдек, чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган молиявий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб, оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан 1-2 июль кунлари ташкил этилган «Маҳалла раиси — ислоҳотчи» шиори остидаги Пресс-тур доирасида Наманган вилоятига йўл олдик.

# МАҲАЛЛА РАИСИ ИСЛОҲОТЧИ БЎЛСА...

Таъкидлаш жоизки, Наманган вилоятидаги мавжуд 776 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳозирги вақтда «маҳаллабай» ишлаш бўйича ўзига хос тажрибага эга. Барча ҳудудларга бириктирилган тегишли ташкилот вакиллари кўмагида маҳаллалар аҳолиси ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда чорвачилик, паррандачилик, хунармандчилик ёки бошқа ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилмоқда.

Бугунги кунга қадар вилоятдаги 501 263 та хонадонда олиб борилган ўрганишлар давомида аниқланган 92 234 та муаммоларнинг 81 513 таси ёки 88,4 фоизи ўрнатилган тартибда ҳал этилган.

## Дастлабки манзил Чуст

Довон оша Наманган вилоятининг Поп туманига кириб борганимизда йўл бўйларида одамларнинг томорқаларидаги иссиқхоналар эътиборимизни тортди. Бир неча йил аввал бу ерлар қакраб ётарди. Энди бўлса, ўзгаришлар ортида кишиларнинг оилавий аҳволи яхшиланиб, моддий манфаатдорлиги ортаётгани бизни хурсанд қилди.

Нихоят Чуст ту-



манига етиб келдик. Бу ерда сафимизга маҳаллий журналист ва блогерлар ҳам қўшилди. Пресс-тур иштирокчиларига ажратилган замонавий автобусда туманнинг «Пансада» маҳалласига йўл олдик. Маҳалла фуқаролар йиғини хизмат биноси ва бу ерда яратилган шартшароитлар билан яқиндан танишдик.

Эътиборли жиҳати, айна вақтда соҳа ходимларининг ташаббуси билан маҳалла биноси қошида 10 нафар боқувчисини йўқотган болаларни чет тили фанларига ўргатиш бўйича тўғарак фаолият юритмоқда. Маҳалла раисининг бу ташаббусига ҳудуддаги саховатли инсонлар ҳам қўшилган. Ҳозирда шу 10 нафар болажонлар бепул таълим олиш билан бирга, махсус кийим-кечак, ўқув қуроллари билан ҳам таъминланган.

Маҳалла биносига

кириш йўлаги худди кўргазмалар залига ўхшайди. Бу ердан миллий хунармандчилик намуналари, зардўзлик ишлари ва, албатта, дўппидўз ва пичоқчилар меҳнати маҳсули жой олган. Барчаси шу маҳалла фуқаролари томонидан яратилган.

Эътиборимизни тортган яна бир ҳолат — миллий қўғирчоқлар растаси бўлди. Маҳалла раиси Собитхон Хўжаевнинг айтишича, шу маҳаллада яшовчи Фахриддин Патуллаев ҳар йили ишлаш учун Россияга кетаркан. У билан сўхбатда раис Фахриддинни қўғирчоқ цехида ишлашини билиб, агар шу ерда ишласа, шароит яратиб беришини айтибди. Ўзаро келишгач, банкдан имтиёзли кредит олишган. Бугун Фахриддин ўзимизда ҳам яхши даромад топиш мумкинлигини таъкидлайди. У нафақат оиласи, балки маҳалладаги 10 нафар ёшларни иш



билан таъминлаган. Энди кўенчилик йўналишида ҳам ўзини синаб кўрмоқчи.

## «Бунёдкор»даги бунёдкорликлар

Кейинги манзилимиз Наманган шаҳридаги ўша машҳур «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғини бўлди. Бу ердаги кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдик. Эътиборли жиҳати, бу ерда республика маҳаллаларида биринчи бор маҳалла фуқаролар йиғинининг матбуот хизмати ташкил этилибди. Эътиборлиси, ахборот хизматига хизмат автомашинаси берилибди.

— Маҳалламизда 2 116 та хонадон, 2 263 та оила мавжуд бўлиб, 12 883 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла фуқаролар

фуқаролар йиғини раиси, 27 ёшли Музаффар Аҳмеджанов ёшлар куни муносабати билан юртимиздаги кўплаб иқтидорли ва фаол ёшлар қаторида давлатимизнинг юксак мукофоти «Келажак бунёдкори» медали билан тақдирланди.

Пресс-тур иштирокчилари М.Аҳмеджанов иш тажрибасини кўздан кечирди. Маҳалла раиси ташаббуси билан ташкил этилган ҳудуддаги кичик саноат зонасида меҳнат қилаётган эҳтиёжманд оилалар вакиллари билан суҳбатлашишди. Уларнинг ўй-фикрлари, эртанги мақсадларига қулоқ тутишди.

— Президентимиз кўксимга медални тақаётганда «мен сенга ишонаман, «Даштбоғ»ни сенинг тажрибангга кўраимиз», дедилар. Мен бундан жуда руҳландим, — дейди М.Аҳмеджанов.

Маҳалла биноси универсал масканга айланган. Бу ерда аҳоли учун барча қулайлик яратилган. Яна бир эътиборли жиҳат — мазкур маҳалла раиси Обидхон Дилшодов айна пайтда Янги Наманган тумани ҳокими ўринбосари, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи лавозимига тайинланибди.

Давлатобод туманида жойлашган «Янги Ўзбекистон» ёшлар зиё маскани» ахборот-кутубхона марказида ўтказилган тадбирлар ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. 30 мингдан зиёд турли бадиий ва илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалар билан таъминланган ушбу зиё маскани бир вақтнинг ўзиде 1200 кишига хизмат кўрсата олади.

Пресс-тур сўнггида «Маҳалла раиси — ислоҳотчи» тамойили амалда» мавзусида хорижий ва маҳаллий журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.  
Тошкент — Наманган — Тошкент.

## ТАКЛИФ

# «МАҲАЛЛАМИЗДА БЕКОРЧИ ОДАМ ЙЎҚ!»

2020 йилдан бери мазкур вазифада аҳоли ишончини оқлаш учун ҳаракат қиляпман. Ўтган даврда асосан ишсизликнинг олдини олиш бўйича лойиҳаларни амалга оширдик. «Ёшлар дафтари»даги 64 нафар маҳалладошимизнинг бандлиги таъминланди. Бизда алоҳида бирор соҳани ўсиш нуқтаси сифатида кўрсатиб бўлмайди.

Маҳалламизда барча йўналишлар ривожлантириляпти. Тадбиркорлик, чорвачилик, балиқчилик, хунармандлик, деҳқончилик билан шуғулланиб, даромад топаётган оилалар кўпчилигини ташкил этади. Шунингдек, аёлларни иш билан таъминлаш, ўқитиш йўлга қўйилди. Маҳалламизда ҳозир бекорчи одам йўқ.

Муаммо: маҳалламиз шаҳарнинг қоқ марказида бўлса-да,

табиий газ йўқ. Қиш кунлари одамлар ўтин ва кўмирдан фойдаланади. Кўчаларимиз асфальтланмаган. 1800 метр йўллар асфальтланиши керак эди. Ҳозирда 550 метрида таъмир иши бажарилди. Ҳокимлик ва секторимиз тез кунларда бу муаммоларни ҳал этишга ваъда бермоқда. Агар амалга ошса, халқнинг руҳи янада кўтариларди. Шаҳарнинг ўрталарида жойлашганмиз.

Ён-атрофимиздаги маҳаллаларда шароит яхши, аммо бизнинг йиғинимиздаги аҳвол мақтагулик эмас-да.

Вилоят ва шаҳар ҳокимлиги муаммоларнинг ечими бўйича кўмак беришмоқда. Насиб этса, яхши натижалардан умидворимиз.

Жавлон РАҲМАТОВ,  
Наманган шаҳридаги «Бўстон» маҳалласи раиси.

## Президент ишонч билдирган раис

Наманган шаҳридаги «Даштбоғ» маҳалла

Сир эмас айрим фуқароларимиз ўзи яшаб турган маҳалла раисини, профилактика инспекторини, ҳатто маҳалла идораси қаерда жойлашганини билишмайди. Сектор штабани-ку ёнига йўламаган. Сектор раҳбарига мурожаат йўллаш эса ортиқча вақт ва йўл харажати талаб этади.

# «SMART MAHALLA»:

## БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР БИР МАНЗИЛДА



Эндиликда бунинг осон ва қулай ечими жорий этилмоқда. «Smart mahalla» ахборот дастури орқали маҳалла раисини, профилактика инспектори ким эканини, маҳалла аҳолиси, унга бириктирилган сектор раҳбари, шунингдек, маҳалла идораси ва сектор штабининг гео-жойлашуви ҳақидаги маълумотларни олишнинг, профилактика инспектори ва сектор раҳбарига тўғридан-тўғри мурожаат йўллашнинг мумкин. Ҳали бу ҳаммаси эмас. Келинг, барчасини батафсил тушунтириб ўтсак.

**Хабарингиз бўлса,** Президентимизнинг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, ички ишлар вазирлигига профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart mahalla» мобил ахборот тизимини яратиш вазифаси белгиланган эди. Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти

томонидан ушбу мобил ахборот тизимини қисқа фурсатларда, сифатли ва тўлақонли ишга тушириш борасида қатор ишлар амалга оширилиб, «Smart mahalla» мобил ахборот тизимининг бизнес жараёнлари, алгоритмлари ҳамда дастурлари ишлаб чиқилди. Бугун бу дастур Самарқанд ва Тошкент вилоятлари аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

– Президентимизнинг фармони асосан, жорий йилнинг 1 июнидан Тошкент ва Самарқанд вилоятларида «Smart mahalla» ахборот тизими жорий этилди, – дейди **Ички ишлар вазири ўринбосари Нажмиддин Тўрахўжаев.** – Мазкур тизим бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган очиқлик сиёсати тамойиллари асосида қурилган бўлиб, сектор раҳбарлари, профилактика инспектори ҳамда фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ягона бир платформага ўтказишга асосланади. «Smart mahalla» тизими бир қатор функционаллардан иборат. Биринчиси,



бу – реал вақт давомийлигида фуқаролар секторларга ёки профилактика инспекторларига тўғридан-тўғри мурожаат қилишлари мумкин. Қилинган мурожаатларни реал вақт давомийлигида тизим орқали назорат қилинади.

Дастур аҳолини



маҳалладаги ва бошқа янгиликлардан хабардор қилиш, профилактика инспектори ва маҳалла раисларининг ишини баҳолаш, шунингдек, ҳудудда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарлик бўйича жамоатчилик фикрини билиш ва уни таҳлил қилиш каби бир қатор вазифаларни қамраб олган.

– «Smart mahalla» мобил ахборот тизими бугунги кунда синов тартибда андроид платформа-сида ишга туширилган бўлиб, дастурни плей маркет иловалар дўконидан юклаб олиш мумкин. Яъни аҳоли ўзларига тегишли бўлган андроид операцион тизимидаги планшет ва телефон қурилмаларига дастурни ўрнати олади, – дейди **Ички ишлар вазирлиги ходими Абдурахим Эгамбердиев.** – Фойда-

ланувчилар ўзлари истиқомат қилувчи маҳалла кесимида «Smart mahalla» мобил ахборот тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг, «Mening mahalla», «Mening inspektorim», «Худуд гео-харитаси», «Давлат органларига мурожаат»,

«Қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар», «Секторга мурожаат», «Болани масофадан назорат қилиш», «Mening hujjatlarim» ҳамда «SOS» шошилинч хабарлар функциялардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Жумладан, «Mening inspektorim» менюсида маҳалла профилактика инспектори ҳақидаги асосий маълумотларни ва ҳуқуқ-тартибот масканининг гео-жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни олиш, шунингдек профилактика инспектори фаолиятига баҳо беришнинг мумкин. «Худуд гео-харитаси» менюсида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ҳақидаги маълумотларни ҳудудлар кесимида, давр оралиғида кузатиш имкониятига эга бўласиз. «Давлат органларига мурожаат» менюсидаги ҳавола-лар орқали давлат органларининг сайтларини юклаб, зарур ахборотлар билан танишиш ва ушбу органларга ўрнатилган тартибда мурожаат

йўллашнинг мумкин. «Секторга мурожаат» менюсида эса сектор томонидан кўриб чиқишга ваколат берилган масалалар юзасидан мурожаат юбориш ҳамда кўриб чиқиш натижасини кузатиш имконияти бор.

«Mening hujjatlarim» менюсида фойдаланувчига тегишли шахсни тасдиқловчи (машинада ўқитилувчи майдон ҳамда NFC қурилмага эга ҳужжатлар) ва бошқа ҳужжатларни (ID-карта, манзил варақаси, паспорт нусхаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, суғурта полиси ва бошқалар) ички ишлар вазирлигининг тегишли маълумотлар базаларига мурожаат қилган ҳолда олиш, уларни дастурнинг сервердаги хотира-сида сақлаш, турли қурилмалар орқали рўйхатдан ўтиб юклаш ҳамда давлат хизматларидан фойдаланиш жараёнида реал вақт давомида тақдим этиш мумкин. «SOS» менюси орқали эса «101», «102», «103», «104», «1050» ва «1173» қисқа рақамларига шошилинч хабар йўл-

маълумотлар актуаллигини таъминлаш мақсадида «Smart mahalla» мобил ахборот тизими Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари, шунингдек, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди.

Бугунги кунга қадар давлат органларига, шу жумладан ички ишлар органларига мобил илова орқали мурожаат қилиш ва орган ходимлари фаолиятини баҳолаш, шу билан бир қаторда, йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар ҳақида реал вақт давомийлигида маълумотга эга бўлиш имконияти мавжуд бўлмаган. Эндиликда, «Smart mahalla» мобил иловаси аҳолига нафақат секторларга масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, маҳалла раислари, сектор раҳбарлари ва профилактика инспекторлари билан



лашингиз мумкин. **Энг муҳими,** «Болани масофадан назорат қилиш» менюсида ота-оналарга таълим муассасаларининг турникет, GPS-трекер ва кузатув камералари тизимларига уланган ҳолда фарзандларини назорат қилиб бориш имконияти мавжуд. Шу билан бирга,

ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, сектор раҳбарлари ва профилактика инспекторлари фаолиятига баҳо бериш, балки давлат идораларининг очиқ маълумотлар ресурсларидан тезкорлик билан фойдаланиш имкониятини ҳам беради.

Дунё шиддат билан ўзгармоқда. Башарият ҳаёт тарзини яхшилаш, ўзи учун қулай шароит яратиш мақсадида кўплаб ихтиролар кашф этди. Агар XIX ёки XX асрнинг биринчи ярми билан таққослайдиган бўлсак, турмушимизда нечоғли катта ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз.

# ҚАЧОНГАЧА ИСТЕЪМОЛЧИДА ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ БЎЛМАЙДИ?



Мақсуда  
ВОРИСОВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик  
палатаси  
депутати.



Бугун биз ҳаётимизни ичимлик сув, электр, табиий газ, жамоат транспорти, мобил алоқа ва интернетсиз тасаввур қила олмай қолдик. Булар, албатта, тараққиёт меваси!

Лекин ушбу хизматларни етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасидаги муносабатлар талабга жавоб берадими, адолатлими?

Сир эмас, бизда асосий коммунал хизматлар монопол ташкилотлар томонидан кўрсатилади. **Истеъмолчида танлаш имконияти йўқ.** Агар бу ташкилотлар истеъмолчининг манфаатларига ҳурмат назари билан қараса, ҳуқуқларини поймол қилмаса, хизматидан рози бўлинса, майли эди. **Аммо ҳеч қандай огоҳлантиришсиз электр соатлаб**

**эмас, кунлаб ўчирилса, табиий газ ёки суюлтирилган газ таъминотидаги узилишларга изоҳ шарт бўлмаса, аҳоли ичмаган суви учун пул тўлашга мажбур бўлса, телефон алоқасида ҳам ғазабни келтирадиган ҳолатлар етарли бўлсаю, улар устидан чора кўришнинг самарали қонуний асоси бўлмаса, нима қилиш керак?**

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсак, кўрсатиладиган барча коммунал хизматлар учун аҳоли ва таъминотчи ўртасида тузиладиган шартномалар тўлиқ қайта кўриб чиқилиши шарт. Чунки унга юридик ҳужжат мақоми берилиши, унда томонларнинг ҳуқуқ ва масъулияти аниқ кўрсатилмаса,

яна электр таъминоти учун тўловни 5 кунга кечиктирган фуқаро жарима тўлайди ёки таъминотдан узиб қўйилади. **Лекин ҳеч қандай огоҳлантиришсиз электр таъминоти тўхтатилса ёки кучланиш ортиб кетгани сабабли хонадонлардаги электр асбоблар ишдан чиқса, таъминотчига чора кўришнинг имкони йўқ.**

Адолатли шартномада, албатта, истеъмолчи ва таъминотчининг аниқ манзил ва боғланиш имкони, кўрсатиладиган хизмат тури, ҳажми, сифати, ўлчов асбобларининг ким томонидан қандай тартибда, қандай муддатда назорат қилиниши, кўрсатилган хизматлар учун тўлов шартлари ва миқ-

дори, ҳар иккала томондан шартноманинг бирор моддаси бажарилмаган тақдирда кўриладиган чора ҳақида аниқ маълумотлар киритилиши шарт.

Рақамли иқтисодиёт бутун дунёни эгаллаётган даврда яшамокдамиз. Ҳар биримизнинг олишимиз зарур бўлган ва бизга кўрсатилган коммунал хизмат ҳажми очиқ бўлмас экан, фуқароларимизнинг электр тармоқлари ёки газ таъминоти корхоналарида компьютер олдида ўтирган ёшгина ходимларга ялинишларини кўришга, корхона мутасаддиларининг кўрсатмалари асосида ҳисоб-рақамларимизга ўзлари хоҳлаган рақамларини киритишларига гувоҳ бўлаверамиз.

**ТАҲРИРИЯТДАН.** Депутат томонидан билдирилган фикрлар бугунги куннинг айна манзарасини кўрсатиб турибди. Қайси соҳадаги камчиликни олманг, охирида барибир одамлар ва табиат «айбдор» бўлиб чиқаверди: «свет» йўқми, демак, кунлар исиб кетди, аҳоли эса кўп кондиционер ишлатяпти ва ҳақозо.

## Ваъдалар паймонани тўлдирар даражага етди

Одатда юртимизда электр энергиясидаги узилишлар билан боғлиқ камчиликлар йилнинг совуқ фасли келиши билан бошланади. Бироқ бу йил вилоятларда июнь ойи ва июль ойининг шу даврида ҳам электр таъминотида муаммолар юзага келмоқда. Ҳатто бу вазият Тошкент шаҳрида ҳам одатий ҳолга айланиб қолди. Айниқса, шу кунларда узилишлар занжирли реакция ҳосил қилиб, ичимлик ва иссиқ сув тармоқларида ҳам муаммоларни келтириб чиқаряпти. Ҳолат Юнусобод, Чилонзор туманларида режали тус ола бошлагани айтилмоқда.

Энергетика вазирлиги буни меъеридан ортиқ энергия истеъмоли билан изоҳлабди. Қизиқ, ҳар доим бир хил гап: хўш, ўзи ўша меъёр қанча? Неча йилдан бери шу меъёр сақланиб турибди? Неча йилдан бери шу камчилик кўриниб қоляпти? Лекин қани, нима ўзгарди? Қачонгача биз меъёрдан ошганини баҳона қиламиз? Мана шу энг кўп истеъмол қилинадиган давр аслида меъёр бўлиши ва шуни ҳисобга олган ҳолда энергия ишлаб чиқаришимиз керак эмасми? Эски муаммоларни яна неча йил баҳона қилишимиз мумкин? Шунча пайт иссиқ бўлиб қолиши мумкинлиги ҳисобга олинмагани ёки тўртта трансформатор туриши керак бўлган жойда биттаси зўриқиш билан ишлаётганини ҳеч ким кўрмаганими?

Жорий йил баҳорида Энергетика вазири Алишер Султонов Президент видеоселекторида энди Ўзбекистонда қишда ҳам, ёзда ҳам электр токи ўчмайди, дея ваъда берганди. Очиғи, бунга ўша пайт ҳам ишонмаганми. Чунки бундай ваъдалар паймонани тўлдирар даражага етди. Ҳурматли вазиримиз ваъда беришдан чарчамайди. Аҳвол эса — бу! Ҳар гал муаммо чикса, охириги жавоб тайин: қаердадир «авария» бўлган ва яқин кунларда ҳаммаси яхши бўлади, деган ваъда билан чекланилади.

## «Энг тўғри йўл — истеъфо...»

Энергетика вазирлиги 30 йилдан бери соҳага инвестиция киритилмагани ҳақида дардини достон қилади. Хўп, шундай экан, унда ўтган йил 3-чорак якуни бўйича соҳага йўналтирилган давлат ташқи қарзининг 28 фоизи ёки 5,1 млрд. доллар маблағ қани? Улар қандай сарфланмоқда? Наҳотки охириги 4 йил давомида соҳада сезиларли ижобий ўзгариш қилиб бўлмаса? Аҳолининг талаби кундан-кунга ўсиб бормоқда, нима учун йил давомида шунга қараб ҳаракат қилмаймиз? Электрон ҳуқуқмат, онлайн хизматлар, рақамли иқтисодиёт деймиз, лекин энергия бўлмаса, булардан нима наф? Қайси ислохот эффект беради бу ҳолатда?

Саволлар кўп, жавоб эса кўпдан бери йўқ... Саволларга жавоб бера олмаётган раҳбарлар эса доимгидек жим. Бу ҳақда фикр билдирар экан, аввалроқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ғаниев шундай деганди:

— Аслида, бу ҳолатга биз депутатлар ҳам қисман айбдоримиз. Чунки Энергетика вазирлигининг раҳбариятини ўзимиз тасдиқлаб берганмиз. Мамлакатдаги бу ҳолатда энергия инқирози юз беришига сабаб бўлган раҳбарлар истеъфоси — энг тўғри йўл бўлади. Аслида, демократик давлатларда бундай инқирозлар ортидан раҳбарлар ўз ихтиёри билан истеъфо беради. Лекин бундай қила олиш учун эса, биринчи навбатда, раҳбарда орийат бўлиши керак. Бизнинг энергетика соҳа раҳбарларида эса энергетика таъминоти каби орийат ҳисси ҳам «инқирозда».

## МЕНДА САВОЛ БОР...

# «ОЛИС ҚИШЛОҚҚА ИШГА БОРСАМ, ИМТИЁЗ БОРМИ?»

— Вилоятимизнинг энг чекка ҳудудидаги мактабда олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж борлиги учун мени ишга таклиф қилишяпти. Бунда менга қандайдир имтиёзлар белгиланганими?



Ихтиёр  
МАҲМАТҚУЛОВ,  
Халқ таълими  
вазирлиги бош  
мутахассиси:  
— Албатта.

Исроил  
ЖОБИРОВ.  
Сурхондарё  
вилояти.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 ноябрда имзоланган «Ўз-

бекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонида бундай ҳолатда тегишли тартибда бир марталик ёрдам пули ва ойлик компенсация тўланиши белгиланган.

Жумладан, 2021 йил 1 январдан олис ҳудуд-

ларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлашга келган олий маълумотли мутахассисларга БҲМнинг 50 баравари миқдорда (12 млн. 250 минг сўм) бир марталик бошланғич ёрдам пули ва ижарада турганлик учун БҲМнинг 2 бараварида (490 минг сўм) ҳар ойлик пул компенсацияси берилади.

# ҲОСИЛДОРЛИК КАМАЙИБ, КАСАЛЛИК КЎПАЙИБ КЕТЯПТИ



Бугунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Бу тармоқда 900 минг аҳоли доимий ва мавсумий иш билан банд. Сўнгги тўрт йилда 52 минг гектар янги токзорлар ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм субсидиялар ажратилди. Шу давр мобайнида мева-сабзавотлар экспортида узумнинг улуши 2 бараварга кўпайди.

Лекин бугунги бозор талабини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада бундан-да катта имкониятлар бор. Хусусан, жаҳон бозорида хўраки узум савдоси мевалар ичида учинчи ўринда бўлиб, ҳар йили унга бўлган талаб ўртача 350 миллион АҚШ долларига ўсмоқда. Бундай узум бўйича Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини келгуси тўрт йилда камида 600 миллион долларга, майиз бўйича 500 миллион доллар ва табиий винода 100 миллион долларга етказиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган.

**Қишлоқ хўжалиги вазирининг ерлардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича ўринбосари Мақсуд РЎЗМЕТОВ**нинг фикрича, узумчиликнинг иқтисодий самардорлиги ва ижтимоий аҳамияти катта. Мисол учун, бир гектар хўраки узум етиштириш учун ўртача 100 миллион сўм харажат қилиб, тўрт йилдан кейин йилига 250 миллион сўм соф фойда олиш мумкин. Шунингдек, узум данагидан олинadиган ёғ ҳам жаҳон бозорида юқори баҳоланади. Яна бир муҳим жиҳати, 1 гектар ғалла майдонида 2 киши ишлаб, кўпи билан 20 миллион сўмлик

маҳсулот етиштирилса, узумчиликда, айниқса, шпалер усулида 10 нафаргача аҳолини иш билан таъминлаб, 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ўртача 25 минг долларлик экспорт қилиш имконияти мавжуд.

## Нега узумзорлар қисқариб кетмоқда?

Авваллари ҳамма-нинг хонадонидан узум етиштирилди, деярли ҳар бир хонадоннинг уйи ёнида тоқларни кўриш мумкин эди. Аммо йилдан-йилга узумларни етиштириш жуда камайиб кетмоқда. Оддий аҳоли бунинг сабаби сифатида узумлардан фойда қилиш қийин бўлиб қолгани ва тоқларнинг касалланиш ҳолатлари кўпайиб кетганини кўрсатишади. Маълумотларга кўра, сўнгги тўрт йилда айрим ҳудудларда йирик токзорлар майдони 7 минг гектарга камайган. Тармоқда селекция ишлари деярли йўқ, ҳалигача 40-50 йил аввал яратилган узум навлари экиб келинмоқда.

Токзорларни янгилашни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилмаган. Кўчат етиштириш илмига

ва технологиясига амал қилинмайди. Кўчат касалликлари билан олимлар ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам шуғулланмаган. Шу боис ҳосилдорлик пасайиб, касаллик эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Токзорларнинг атиги 38 фоизи интенсив усулда парваришланмоқда.

Маҳаллий узумларимиз ҳосилдорлиги Осиёнинг бошқа давлатларига нисбатан 1,5-2 бараварга кам. Қолаверса, юртимизда етиштириладиган узумларнинг аксарияти данакли бўлиб, жаҳон бозорида данаксиз узумга бўлган талаб кескин ортиб бормоқда. Бизда узумни қайта ишлаш даражаси ҳам замон талаби даражасида эмас. Табиий винонинг умумий спиртли ичимликлар истеъмолдаги улуши бор-йўғи 2 фоизни ташкил этади. Шу пайтгача Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида тўрттагина туристик узум плантациялари ташкил этилган, холос.

Юқоридаги муаммоларни олдини олиш учун, биринчи навбатда, тоғолди туманларида йирик узумчилик плантацияларини ташкил этиш зарур. Мисол учун, ўтган йили Олтиариқ туманида ғалла

майдонлари қисқартирилиб, 2 минг гектар ерда йирик узумзорлар барпо этилган эди. Уларда тумандаги 5 минг нафар аҳоли доимий иш билан таъминланди. Энг асосийси, бунинг эвазига кўшимча 60 минг тонна узум етиштирилиб, унинг экспорти кейинги йилда қарийб 100 миллион долларга, тўлиқ ҳосилга киргандан кейин эса йилига 200 миллион долларга етади. Шунингдек, томорқа четларида, йўл бўйларида узум етиштиришни кенгайтириш усулини йўлга қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

## Президент томонидан аниқ вазифалар қўйилган

Ҳар бир соҳа ва жабҳа Юртбошимиз назаридан четда қолмаган. Шу боис узумчилик борасида ҳам бир қанча вазифалар белгиланган. Биринчи навбатда Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги 44 та туманда янги экспортбоп узум плантациялари ташкил этиш керак. Уларни кўчат билан таъминлаш ва касалликлардан ҳимоя қилиш

бўйича Лойиҳа офислари ташкил этилади. Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳамда бошқа илмий муассасаларнинг ерларида сертификатланган узум кўчатлари етиштириш йўлга қўйилади.

Токзорлар барпо этиш ва эскиларини янгилашни рағбатлантириш мақсадида сертификатланган янги узум плантацияларининг ҳар бир гектарига 10 миллион сўмдан субсидия берилади. Узумзорлар ташкил этишни молиялаштириш учун банкларга 100 миллион доллар ресурс ажратилади. Узумчиликда қўлланадиган асбоб-ускуналар ва техникалар божхона тўловларидан озод этилади ҳамда табиий виноларга нисбатан акциз солиғи бекор қилинади.

Бу ишлар ортидан келажакда юртимиз узум навларининг миллий бренди яратилиб, жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлса, ажаб эмас.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# ИШ ҚАМРОВИ ИДОРАДА ЎТИРИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ

Маҳалламиз туман марказида жойлашган. Бизда катта саноат ҳудуди бўлиб, катта-кичик ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Маҳалланинг бир тарафидан поезд йўли, иккинчи тарафидан катта йўл трассаси ўтган.

Шу боис савдо объектлари кўп. Деярли ҳамма иш билан банд. Агар одам меҳнатдан қочмаса доим иш топилади. Мисол учун, ҳудудимизда иш бор, аммо ишлашни истамайдиган дангасалар ҳам учраб туради. Ёшлар тез ва осон пул топишни исташади. Бу эса бугунги кундаги энг катта

долзарб масала. **Муаммо.** Ҳудудимиздаги муаммоларга ечим излашга ҳаракат қилапмиз. Кўчаларимизни асфальтлаштириш керак. Жуда ёмон аҳволга келиб қолган. Симёғочлар ҳам ўз даврини ўтаб бўлган. Қаттиқроқ шамол бўлса, унга тортилган симларнинг узилиб кетиши ҳеч гап эмас. Асо-

сий кўчаларга тунги ёриткичлар қўйиш керак.

**Таклиф.** Маҳалла идорасида ўтиришга вақт йўқ. Доим кўчадамиз. Шу боис масъул котиб штати қайтарилса, яхши бўларди. Хат-ҳужжатларга қарарди, мурожаат қилувчиларни қабул қиларди. Баъзан одамлар «излаб юрамиз, идорада ўтиринг»,

дейишади. Аммо иш қамрови куни билан идорада ўтиришга йўл қўймайди. Штат ажратиш борасида мутасаддиларимиз ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Аброр ҲАСАНОВ, Жомбой туманидаги «Самарқанд» маҳалла фуқаролар йиғини.**



# ЧҶМИЛАМАН, ДЕБ ЧҶКИБ КЕТМАНГ...

Айни дамларда республикамиз бўйлаб давом этаётган жазираманинг тафти сўнганича йўқ. Гидрометеорология хизматининг башоратига кўра, бу йилги саратон мавсуми одатдагидан иссиқ. Кунлар иссиқ билан одамлар сув ҳавзаларига чўмилиш учун серкатнов бўлиб қолади. Аммо катта сув ҳавзаларида чўмилиш доим ҳам кутилганидек яқунланмайди. Биргина хато билан одам сувга ғарқ бўлиши ҳеч гап эмас.

## Қандай профилактик чоралар кўрилади?

Сувда чўкиб кетиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларга республикамиз ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ва каналлардаги сувнинг ҳарорати доимий пастлиги, сув оқимининг тезлиги, сув ҳавзалари бўйида яшовчи аҳоли томонидан ёш болаларнинг қаровсиз ва эътиборсиз қолдирилиши, маданият ва истироҳат боғларида болаларнинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйилгани, каналлар қирғоқларида жойлашган кафе ва чойхоналарда турли ёшдаги фуқароларнинг спиртли ичимликларни истеъмол қилиб, сергакликни йўқотиб қўйиши ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Шу боис чўкиш билан боғлиқ нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан қатор профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда. Жумладан, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзаларида фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда қутқарув асбоб-анжомларини

шай ҳолга келтириш, бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётган асосий жойларга мавсум давомида Ички ишлар, Фавқуллода вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, маҳалла фаоллари ва жамоатчилик кенгашлари томонидан навбатчилик ташкил этиш кўрсатиб ўтилган.

Қолаверса, чўмилиш белгиланмаган — маҳаллалар ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё, канал ва анҳорларда, қўриқланмайдиган ёки қаровсиз қолдирилган сув ҳавзаларида чўмилиш жойлари аниқланиб, бундай масканлар хатловдан ўтказилиб, бундай жойларда чўмилиш қатъий тақиқланди.

## Чўмилишнинг ҳам ўз қондаси бор...

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, чўмилиш истагида бўлганлар ҳар жиҳатдан талабга жавоб берадиган, ёзги мавсум чоғида санитария-эпидемиология назоратида турадиган дам олиш ва чўмилиш учун мўлжалланган сузиш ҳавзаларига борганлари маъқул. Шунда ҳам сувнинг ҳарорати 17-18 градусдан паст бўлмаслиги, чўмилиш учун ҳаво очиқ ва иссиқ бўлиши, сувдан чиққандан сўнг кўёш нурларида яхшилаб товланиш талаб этилади.



Сувга чўкиб кетиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг энг самарали усули, бу — яқинларимизга ва фарзандларимизга сузиш қондаларини ўргатиб боришдир. Шундай экан, болаларни ёки биринчи марта сувга тушаётган катта ёшдагиларни сузишга ўргатиш жойининг чуқурлиги 60-90 сантиметр (белдан кўкрак қафасигача) бўлиши керак. Бундай чуқурликда одам сувдан чўчимайди, чунки оёғи таянч нуқтага эга бўлади. Очиқ сув ҳавзаларида сузишга ўрганишда, албатта, чуқурлиги билан бирга, оқим тезлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Ёзги мавсумда фарзандларимизнинг сузишга ўргатиш вақтини тўғри танлаб олиш керак. Айрим ота-оналар куннинг кизиган пайтидагина сузишга ўргатишга ёки чўмилишга рухсат беришади. Аслида эса эрталаб соат 10.00 дан 12.00 гача ва кечқурун 17.00 дан 19.00 гача кўёшнинг ультрабинафша нурлари кўп бўлади ва ана шу соатларда чўмилиш жуда фойдали. Чўмилиш муддати 5 дақиқадан 25-30 дақиқাগача давом этиши мумкин, унда боланинг ёши, сузишга тайёрлиги, сувнинг ҳароратига эътибор бериб, сузиш муддати аста-секин оширилиб борилади. Ёз пайти-

лари катта ёшдаги болалар сув ҳарорати +18 градус бўлганда, кичик ёшдагилар эса 20-28 градусдан кам бўлмаганда очиқ сув ҳавзаларида чўмилишлари тавсия этилади.

## Қандай ҳолларда чўмилмаслик керак?

«Мен ҳар қандай тезоқар совуқ сувда сузоламан. Сузиш бўйича катта тажрибам бор», дейди баъзилар катта гапириб. Балки... унинг тажрибаси ҳақиқатдан ҳам каттадир, лекин тақиқланган жойларда чўмилиш фақат чўкиш хавфини туғдирмайди. Унутмаслик керакки, бундай жойларда чўмилиш турли жароҳатлар олишга, сув оғизга кириши оқибатида ўткир юқумли ичак касалликлари билан хасталанишга олиб келиши мумкин. Қолаверса, сувнинг ҳарорати 16 градусдан паст бўлса, чўмилмаслик керак. Қорин оч бўлганда, чарчаганда, чанқанган пайтда, яқинда беморликдан тургандан, спиртли ичимлик истеъмол қилинганда, ёлғиз бўлганда ва офтоб уриш ҳолларида чўмилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Агар чўкаётган одамни кўриб қолсан, нима қилиш керак? Қаерга хабар бериш, қандай ҳаракатланиш лозим? Чўкиш нафас йўлларидаги сув ва бошқа суюқликлар

билан тўлиб қолиши, сувда тўғри ҳаракатлана олмаслик оқибатида юзага келади. Чўкаётган одамни кўрсангиз, яқин ўртадаги назорат-қутқарув постига ёки қутқарув хизматининг 1050 рақамига хабар беринг.

Агар тажрибали сузувчи бўлсангиз, вақтни бой бермай, чўкаётган одамга ўзингиз ёрдам беришингиз ҳам катта бахтсизликнинг олдини олиши мумкин. Чўкаётган одамни сувдан олиб чиқиш маҳорат талаб этади. Чўкаётган кишига орқа томондан сузиб яқинлашиш, сочи ва қўлтиғи остидан ушлаб, юзини тепага қаратиб (ўзингизни ушлаб олишига йўл қўймаган ҳолда!), қирғоққа қараб сузиш керак. Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш чўккан кишининг аҳволига боғлиқ. Агар у хушини йўқотмаган, юрак фаолияти ва нафас олиши сақланган бўлса, бошини пастга эгган ҳолда қуруқ қия жойга ётқизиш ва шундан кейин уни сочиқ билан артиш керак. Имкони бўлса, иссиқ чой, қаҳва ичириб, кўрпага ўраш ва тинчлантириш лозим. Сизнинг эътиборли бўлишингиз ва кўрсатган ёрдамнингиз кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

**Азамат СУЮНОВ,**  
журналист.



# ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕАСИ ТОШКЕНТДА БЎЛАДИМИ?

Минтақамиз, жумладан, Ўзбекистонга бугун қандай таҳдидлар хавф солмоқда? Уларни бартараф этиш усуллари қандай? Чегаралар хавфсизлиги ва давлатлар суверенитети борасида ҳамкорлик масалалари-чи? Хуллас, нималар қиламиз? Яқин келажакда ривожланган демократик давлатлар орасидан жой олишимиз, минтақа барқарор тараққиётини кафолатлаш учун имкониятларимиз нималардан иборат?



Жанубий Осиё мамлакатлари, жумладан, Афғонистон ва Покистон орқали очик денгизларга чиқиш, халқаро транспорт йўналишларидан мустаҳкам ўрин олиш борасидаги ишлар қай босқичда? Экологик хавфлар — дунёни қамраб олаётган қурғоқчилик, ичимлик сув танқислиги, глобал исиш, ҳайвонот ва ўсимликлар оламини асраш, экологик қўриқхоналарни ташкил қилиш ва асрашда умумий стратегиялар қандай йўналишда давом этади?

Юқоридаги ва бошқа қатор масалалар халқаро экспертлар томонидан минтақа учун жорий йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаси деб аталаётган, Ўзбекистон тарафи ташаббусига кўра, 15-16 июль кунлари Тошкентда ўтказиладиган «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий

боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» деб номланган конференцияда энг юқори даражада муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Конференциядан нималарни кутяпмиз?

Анжуманда дунёнинг деярли барча мамлакатларидан вакиллар қатнашади. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Афғонистон Исломи Республикаси Президенти, Покистон Исломи Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, бошқа хорижий давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори даражадаги вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институт ва компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг раҳбарлари аллақачон қатнашчилар рўйхатидан жой олган. Анжуманни ёритиш

учун келадиган халқаро ОАВлар сони ҳам ҳар доимгидан кўп ва ранг-баранг. Дунёдаги энг салмоқли газеталар, интернет ресурслар, телевидение ва радио мухбирлар учун зарур ахборотларни тарқатишга барча имкониятлар яратилмоқда. Зеро, Марказий Осиёда кейинги пайтларда вужудга келаётган ҳолатлар, давлатларнинг жадал тараққий этаётгани, янги йўналишларни жуда тез ўзлаштираётгани қизиқишни оширган. Хўш, конференциядан нималарни кутяпмиз?

Форумнинг асосий мақсади — Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни икки минтақа халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустаҳкамлашдан иборат.

— **Марказий Осиё логистика нуқтаи назаридан анчайин ўзига хос минтақадир. — дейди Россия Фанлар академияси Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институтининг Постсовет тадқиқотлар маркази катта илмий ходими Станислав Притчин.** — Айниқ-

## ДАРВОҚЕ...

Президент фармони (ПФ-6258-сон, 08.07.2021 й.) билан вилоят ҳокимлари томонидан давлат кўчмас мулк объектларини инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда «ноль» харид қиймати бўйича сотиш амалиёти, давлат объектларини ижтимоий мажбуриятлар асосида «1 сўм» бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқариш тартиби бекор қилинади.

са, Ўзбекистоннинг географик жойлашуви денгиз йўллари билан бевосита боғлиқлиги имконини бермайди. Бунинг учун камида иккита давлат чегарасини кесиб ўтиш керак. Шу боис транспорт маршрутларини диверсификациялаш Ўзбекистон учун ҳаёт-мамот масаласига айланган. Биринчи Президент раҳбарлиги даврида Ўзбекистонда экспортга йўналтирилган иқтисодиёт модели мавжуд эди. Бироқ янги бозорларга чиқиш ҳамда тегишли логистика инфратузилмасини яратишга ҳозиргидек жиддий аҳамият қаратилмаган. 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги ёндашуви ўзгарди. Мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, халқаро транспорт-коммуникация тизимларига интеграциялашишга ҳаракат қилмоқда.

## Ёлғиз отнинг чанги чиқмайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев илк давлат ташрифини Туркменистон Республикасига амалда ўзбекистонни Каспий денгизи портлари билан боғлайдиган транспорт йўлагини очиш масаласи муҳокама қилинган. Бунинг натижаси ўлароқ, Туркменистонга йўловчи ҳамда юк поездлари қатнови тикланди. Бир вақтнинг ўзида Ўзбекис-

тон экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда ташқи бозорларга чиқиш учун ички автомобиль ва темир йўл транспорт тизимини такомиллаштиришга бел боғлаган. Бироқ республика бу борадаги мақсадларига яқка ҳолда эришолмайди. Демак, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, айрим масалаларда ҳал этилмаётган муаммолар ечимини биргаликда топиш керак.

Бизнинг-ча, қутилаётган йирик халқаро тадбирнинг асосий масаласи ҳам шу бўлади. Афғонистон ва Покистон давлатлари орқали Карачи портига чиқиш, Покистон орқали айрим темир йўл тизимларини ўзлаштириш ва Жанубий Осиё давлатлари бозорларига чиқиш ўта долзарб масала ҳисобланади. Бу давлатларга Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Малдив ороллари, Непаль, Покистон, Шри-Ланка сингари аҳолиси ўта зич ҳудудлар киради. Минтақада ҳозирда Осиёнинг 40 фоиз, дунёнинг 22 фоиз — 1 миллиард 800 миллион нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуднинг бозори ҳам шунга яраша.

Бу бозорларни тўлақонли ўзлаштириш Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон келажаги учун ўта муҳим.

Улуғбек  
ИБОДИНОВ.

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### «ДАСТУР ИЖРОСИ ОХИРИГА ЕТКАЗИЛМАДИ...»

Бугунги кунда маҳалламизда 3 минг нафарга яқин аҳоли иситқомат қилмоқда. Аҳолининг аксарият қисми зиёлилар. Шу боис муаммолар ҳам айтарили кўп эмас.

Зеро, жамиятни одамлар ташкил қилади. Одамлар қандай бўлса, уларни ўраб турган муҳит ҳам шунга қараб ўзгариб бораверади.

Кейинги пайтларда худудимизда қандолатчилик, тикувчилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, лимончилик ривожланиб бормоқда. 12 нафар фуқаромиз 200 қути асалари

боқади. Юқоридагилар боис меҳнат миграцияси каммайиб бормоқда. Икки йилдан буён оилавий ажралишлар кузатилмади.

**Муаммоларга келсак,** 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида деярли барча камчиликлар бартараф қилинган. Аммо дастур асосидаги ишлар охирига етказилмаган. Асфальтланиши керак

бўлган 1600 метр йўл шундайлигича қолиб кетди. Одамлар дастурнинг бу банди ижросини раисдан, яъни менадан талаб қилишяпти. Уйлайманки, бу муаммо тез орада ҳал этилади.

**Шавкат НАМОЗОВ, Данғара туманидаги «Тангрикул» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**



Эсимда, бундан 7-8 йил олдин сирдарёлик бир иқтидорли йигит ногиронлиги бўлгани учун йиллаб олий таълим муассасасига ўқишга киролмаганди. Лекин унинг ихтиролари, хусусан, хушбўй ҳидли ручкаси бир нечта республика танлов ва фестивалларда эътироф этилганди.

# ПРЕЗИДЕНТ ГРАНТИ

## ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК ВА АДОЛАТНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Ўқишга киролмаслигининг бирдан-бир сабаби – қўли қалтирагани учун тест жавобларидаги доира шаклини тўлдиришга қийналарди. Онасининг бормаган ташкилот, ёзмаган жойи қолмади, бироқ натижа бўлмади.

Буни қарангки, тизимнинг шу даражада бемаъни эканидан бир иқтидор эгасига на қўшимча вақт берилди, на тест доира шаклини тўлдириб берувчи масъул бириктирилди. Ногиронлиги бор инсон эмасми, ўз тақдирига бир ачинса, бундай шафқатсиз қонун-қоидалар унга янада алам қиларди. Она-бола бир неча бор тахририятимизга келиб, кўмак ҳам сўрашган эди. Афсуски, қўлимиздан келгани тегишли ташкилотларга хат чиқариш ва унинг ихтироларини кенг оммага етказиш бўлган, холос.

Шукрки, янги Ўзбекистон даврида олий таълим тизимида туб

ислохотлар амалга оширилмоқда. Адҳамжондек ногиронлиги бор шахслар учун алоҳида давлат гранти бўйича имтиёзли квоталар ажратилмоқда. Бундан ташқари, сиртки ва кечки таълим шакллари жорий қилиниб, билимга чанқоқ ёшлар учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Қўшимча олий таълим муассасалари, хорижий таълим муассасалари филиалларининг очилиши ҳам абитуриентлар учун ўқишга кириш имкониятини оширди.

Галдаги навбат олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, малакали кадрлар тайёрлашга етиб келди. Бунинг учун қуйи тизим – мактабдан бошлаб, «аълочи» ўқувчиларни рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган «**Республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада**



**қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори эса бунинг мантиқий давомидир.

Қарорга кўра, 2021-2022 ўқув йилидан давлат олий таълим муассасалари бакалавриятининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида (тест синовлари, касбий (ижодий) имтиҳон, ёзма имтиҳон) энг юқори балл тўплаган **200 нафар ёшлар** учун **Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти** жорий қилинди. Президент гранти учун ажратилган квотанинг таълим соҳалари бўйича тақсмоти ҳар йили таълим муассаса-

ларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Муайян таълим соҳаси учун ажратилган Президент гранти квотаси бўйича сўнги ўриндаги абитуриент ва у билан бир хил балл тўплаган барча фуқаролар Президент грантига даъвогар бўлади. **Бироқ** ОТМ-га ўқишга киришда кўшимча балл шаклида имтиёз берилмайдиган тоифадаги абитуриентларнинг кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, тўплаган балига кўшиб берилган баллар Президент грантига даъвогарларни аниқлашда ҳисобга

олинмайди.

**Эътиборлиси,** Президент грантига даъвогар абитуриентлар давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Президент гранти совриндорлари **биринчи курсда** барча фанларни «аъло» баҳолашга ўқиган, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот йўналишларида ютуқларга эришган мазкур грантга даъвогар талабалар орасидан танлов асосида аниқланади.

**Танлов натижаларига кўра,** ғолиб бўлган талабаларга Президент давлат стипендияси тайинланади. Бунда талабага Президент гранти учун белгиланган стипендия иккинчи курснинг ўқув йили бошидан ойма-ой тўланади ва шу муносабат билан унга умумий шартларда белгиланган стипендия тайинланмайди.

**Танганинг иккинчи томони эса** – агар Президент гранти соҳиблари ўқув семестри якунига кўра, камида битта фандан ўзлаштириш кўрсаткичи «аъло» баҳо бўлмаса, келгуси ўқув семестри мобайнида унга умумий тартибда белгиланган стипендия

тайинланади.

**Навбатдаги ўқув семестри якунига кўра,** барча фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат «аъло» баҳо бўлганда, Президент гранти учун белгиланган стипендия қайта тайинланади.

**Яна бир янгилик** шундаки, ўқиш якунига қадар Президент грантини узлуксиз олган талабалар бакалаврият таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз кўшимча давлат гранти асосида талабалikka қабул қилинади.

**Албатта,** бундай рағбат ёшларни янада кўпроқ илм олишга ундаши шубҳасиз. Бироқ бундай рағбатли тизимнинг шаффоф ва адолатли таъминланиши муҳим масала. Шу боис ҳар бир олий таълим муассасалари Президентимизнинг мазкур қарорини очик, шаффоф ва адолатли ўтишини таъминлаши зарур. Йўқса, илмга чанқоқ ёшлар қолиб, кимларнингдир танишбилишлари бу грантга илиниб қолиши мумкин.

Р.ЮСУПОВ.

### МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

## «МАҚСАДИМИЗ – ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИШ»

**Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи янги ташаббуслар рўйёбини юзага чиқармоқда.**

Айниқса, «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳамда вақтинча ишсиз аҳолига ғалладан бўшаган ер майдонидан 10 сотихдан ер берилиши, деҳқончилик ҳадисини олган кўплаб аҳолига хурсандчилик улашмоқда.

Қувонарлиси, уларга 200 килограмдан буғдой, ғалла самони ҳам берилмоқда. Бизнинг маҳалладан ҳам 26 та хонадон ерли, буғдойли, самонли бўлиши. Энг муҳими, барчаси деҳқончилик тажрибасига эга.

Аслида, маҳалламиз аҳли азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланб келишади. Чорвачилик фермер хўжаликлари ҳам бор. 32 та хонадонимиздаги иссиқхонада қишин ёзин полиз маҳсулотлари – помидор, бодиринг, булғар қалампир етиштирилади. Улар орасида кўчатчилик билан шуғулланганлари ҳам бор.

Аста-секинлик билан тадбиркорларимиз ҳам кўпаймоқда. Жорий йилнинг ўзида «Аёллар дафта-

ри»га киритилган 13 нафар аёлларимиз кредит олиб, ўзини ўзи банд қилган ҳолда дўппидўзлик, тикувчилик, чеварчилик фаолиятини йўлга қўйишди. Мақсадимиз, тадбиркорлик, касаначилик, томорқачилик тармоқларини янада кенгайтириб, ишсизликка бутунлай барҳам беришдир.

**Назираҳон ОТАХОНОВА,**  
**Бўстон тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

### БИЛАСИЗМИ?

#### Уч қаватли уй қуриш учун кимдан рухсат олинади?

2021 йил 1 январдан аҳоли пунктларининг бош режалари жамоатчилик муҳокамаси натижаларини ҳисобга олган ҳолда тасдиқланади. Шунингдек, икки қаватдан юқори, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ёки умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа ҳужжатлари мажбурий экспертизадан ўтказилган ҳамда ҳудудий назорат инспекциялари томонидан давлат қурилиш назорати ўрнатилган ҳолда амалга оширилади.

Ўз навбатида, қурилиш ташкилоти билан шартнома тузмасдан бундай турдаги қурилиш ишларини бажариш, қурилиш учун мўлжалланмаган ер участкаларида кўп қаватли кўп квартираларни қуриш, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказмасдан мавжуд бино ва иншоотларнинг, шу жумладан, яқка тартибдаги уй-жойларнинг қаватлари сонини кўпайтириш (устки қават қуриш) тақиқланади.

Кейинги тўрт-беш йил ичида юртимиз улкан қурилишлар майдонига айланди. Албатта, бу жараёнда эскиргани ёки давлат ва жамоат манфаатлари учун кўплаб иморатларни бузишга тўғри келди.

# МУЛК ХУҚУҚИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ҚАЙСИ БОСҚИЧГА ЕТДИ?

Фақат бу ерда фуқароларнинг мулк ҳуқуқига амал қилинмагани жиддий эътирозларга сабаб бўлди. Биринчидан, бу соҳада изчил ҳуқуқий тизимнинг йўқлиги муаммо келтириб чиқарган бўлса, иккинчидан, ҳокимият вакилларининг қонунларга нисбатан бепишанд муносабати туфайли одамларнинг мулк ҳуқуқи поймол қилинди.

Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, адлия органлари томонидан ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланишича, 2016-2020 йилларда 846 та ҳолатда кўчмас мулк объектлари уларнинг мулкдорларини олдиндан хабардор қилинмаган ҳолда бузиб ташланган. 1 минг 388 та ҳолатда эса мулкдорларни хабардор қилиш муддатига риоя қилинмаган. Яъни муддат тугашига 10-15 кун ёки бир ой қолганда бузишга киришилган. Яна бир аянчли мисол, 1 минг 244 та ҳолатда кўчмас мулк объектлари баҳоланмаган ҳолда бузиб юборилган. Бузиб ташлангандан кейин уни баҳолаш жуда катта муаммога айланади. Баҳоловчи ташкилотлар буни амалга оширолмайди. Фақат тиклаш мето-

ди асосида экспертлар томонидан баҳоланиши мумкин, лекин бунда ҳам аниқлик бўлмайди. Шунингдек, ўша вақтда бузиб ташланган 430 та кўчмас мулк объектлари учун тегишли компенсация берилмаган.

## Компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнг уй «снос»га тушади

Кўриниб турибдики, қанчадан-қанча одамларнинг мулк ҳуқуқлари риоя қилинмаган, қанчалаб оилалар уйсиз қолдирилган. Бу оилалар учун жуда катта йўқотиш эканини изоҳлаб ўтириш шарт эмас. Хўш, бугунги кунда бу масалада вазият ижобий томонга ўзгардими?

— *Тўғриси айтиш керак, мамлакатимизда мулкка муносабат тўлиқ шаклланмаган, — дейди Адлия вазирининг ўринбосари Акбар Тошқулов. — Мулкка эгалик қилиш, уни эркин тасарруф этиш ривожланган давлатларда ҳуқуқий объект сифатида ҳимоя қилинади. Албатта, охириги йилларда юртимизда ҳам бу масалада ижобий ўзгариш сезилляпти. Чунки бусиз иложи йўқ. Уйлаб кўринг, катта-*



катта объектлар хусусий сектор томонидан қурилмоқда. Агар мулк ҳуқуқи таъминланмаса, ҳар қандай инвестор ҳам сармоя киритишга иккиланиб қолади.

2019 йилда фуқароларнинг кўчмас мулкларини ноқонуний бузишлар авж олгач, Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга асосан, уй-жойлар бузилишга тушаётган ҳудудда яшовчи барча фуқаролар, мулкдорлар рози бўлган тақдирда ер участкаси давлат ва жамоат манфаати учун

олиб қўйилиши мумкин. Олдинги норматив ҳуқуқий ҳужжатларда эса розилик масаласи кўрсатилмаганди, фақатгина огоҳлантириб, кейин бузишга тушиларди.

Бундан ташқари, олиб қўйилаётган мулкни баҳолаш масаласи ечим топди. Бу ерда бевосита кўчмас мулкни эмас, ер майдонини олиб қўйиш назарда тутилади. Ер олиб қўйилиши муносабати билан кўчмас мулкка компенсация тўланади. Мазкур жараёнда ер майдонини олиб қўйишдан олдин бу масалани фуқаролар билан муҳокама қилиш ҳамда компенсация миқдорини мулк эгаси билан келишиш белгилаб қўйилди. Мухим жиҳатлардан яна бири — кўчмас мулк объектини бузиб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишга унинг мулкдорига келишувда,

низо мавжуд бўлган ҳолларда эса суд қарорида, белгиланган компенсация тўлиқ тақдим этилгандан сўнг йўл қўйилади. Шу билан бирга, адлия органи томонидан барча жараёнлар тўғри амалга оширилгани бўйича берилган ижобий ҳулоса мавжуд бўлмаса, уйлар бузилмаслиги кўрсатилди.

## Қандай ўзгаришлар кутиляпти?

Хўш, келгусида мулк ҳуқуқини таъминлаш масаласида қандай ўзгаришлар кутиляпти? Айтиш жоизки, Адлия вазирлиги томонидан «Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Энди бу масала қонун даражасида тартибга солинади. Назарда тутилаётган ўзгаришлардан бири — фақатгина давлат маблағи ҳисобига қуриладиган иншоотлар жамоат эҳтиёжлари сифатида қўрилади.

Мулкдор билан муҳокама қилиш, унинг розилигини олиш тартиблари янада такомиллашади. Мухокама қайси пайт, қаерда амалга оширилади — барча-барчаси кўрсатиб ўтилмоқда.

Мухим янгилик — бузиладиган уй-жойни бўшатиб қўйиш учун 6 ойгача муддат берилляпти. Шунингдек, мазкур кўчмас мулк эгасига ноқулайлик учун мулк қийматининг 5 фоизи миқдоридан қўшимча ҳақ тўлаш белгиланяпти. Бу хорижий давлатлар тажрибасида ҳам бор. Чунки иш жойидан узокроқ ҳудудга кўчиш, фарзандларининг мактаб-боғчасини алмаштириш, қариндош ёки танишлари билан борди-келди қийинлашиши каби ҳолатлар бўлиши мумкин.

Кўчмас мулклар баҳоланганидан кейин тўлаб берилгунча маълум вақт ўтади. Қайта

баҳоламасдан индексация қилиш масаласи ҳам ушбу қонун лойиҳасида кўзда тутилмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу фуқарога ўша ҳудудда қурилаётган уй-жойдан биринчи навбатда олиш ҳуқуқи берилляпти. Уй-жой берилганда эса ижтимоий нормаларни ҳисоблаш тизими ҳам кўрсатилмоқда.

Келгусидаги муҳим жараёнлардан бири — ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи жорий этилишидир. Бу борда Сирдарё вилоятида эксперимент тарзида ишлар амалга оширилди. Ушбу тажрибани республика бўйича қўллаш кўзда тутилмоқда. Шундан кейин ерлар хусусий мулк сифатида сотилади ва уларнинг ҳимояси ҳам бошқача бўлади.

## Ҳуқуқлар қоғозда эмас, амалда акс этса

Хуллас, кўчмас мулк ҳуқуқининг қонуний муҳофазасини такомиллаштириш борасида жиддий қадамлар ташланяпти. Лекин ҳали ҳам маҳаллий ҳокимликлар томонидан фуқароларнинг розилигисиз уй-жойини бузиб ташлаш ҳолатлари учрамоқда. Нега давлат амалдорлари мулкка оид белгиланган ҳуқуқий тартибларни оёқости қилишдан чекиншмаяпти? Назаримизда, уларни бундай қилмиш учун жавобгарликка тортиш тизими яхши ишламайди. Ёки оддийроқ мутахассисни айбдор деб топиб, жазолаш билан вазиятдан чиқишади. Демак, тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиб кучга киритиш жараёнида мансабдорларнинг уларга чап бериш усулларининг ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ана шу нуқтаи назардан доимий назорат қилиб борилса, уларнинг ишлаши таъминланади.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

## МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

### «МАҲАЛЛАМИЗ УЗУМЧИЛИК «ДРАЙВЕРИ»ГА АЙЛАНМОҚДА»

Президентимизнинг шу йил 18 июнь кунини Андижон вилояти фаоллари билан ўтказилган йиғилишида «Олтиариқда деҳқончилик ривожланган, деб кўп гапирамиз. Мана кеча кўрдик, Булоқбоши туманида йўл ёқасида қандай ишқомлар қилинган...

Андижонда ҳам ўз ишининг устаси бўлган миришкорлар кўп», дея билдирган фикрлари булоқбошиликлар учун катта эътироф бўлди.

Ҳақиқатан шундай, булоқбошиликларнинг ердан оқилона фойдаланиш ва ишқом услубида узум етиштириш тажрибаси катта. Бизнинг одамлар ҳам азалдан узумчилик билан шуғулланишади. 462 та хонадондан 440 таси узумчилик ҳадисини олишган. Бир-биридан тотли узумлар ички бозордан ташқари, экспорт ҳам қилинмоқда. Айни пайтда кўча

ишқомлари ҳам жадал ривожланмоқда. Албатта, бу ҳаракатлар ҳам аҳолига қўшимча даромад келтиради.

Шу билан бирга, маҳалламизда тадбиркорлик ва касаначилик ҳам кенг ривожланмоқда. Иккита оила аъзолари кичик трикотаж цехи ташкил этиб, турли кийим-кечаклар тикишмоқда. 25 нафар ёшларимиз кредит олиб, бири кийим-кечак, бири музлаткич таъмирлаш устахонаси, яна бири трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишди. 3 нафар аёлимиз 5

млн. сўм имтиёзли кредит олиб, кўрпа-тўшак тикиб сотишяпти.

Туманимиздаги эски ипак қуртини қайта ишлаш фабрикаси ишга тушса, яна ўнлаб хотин-қизларимиз ишли бўлишади. Таклифим, кичик бизнесни ривожлантириб, ишсизликни камайитириш керак. Бунинг учун мақсадли кредитларни кўпроқ ажратиш лозим.

**Зилфуза МАДРАҲИМОВА,**  
Булоқбоши тумани «Шоҳгузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

# ЭМЛАШНИ МАЖБУРИЙ ҚИЛИШ — СЎНГГИ ЧОРА... (МИ?)

Ўзбекистонда коронавирусга қарши эмлашни мажбурий қилиш тўғрисида фикрлар янграй бошлади. Бундай тажриба айрим давлатларда йўлга қўйилгани ва самара бераётгани айтилмоқда. Масалан, Тожикистон ва Туркменистонда 18 ёшдан катта аҳоли коронавирусга қарши мажбурий эмланиши эълон қилинди. Россиянинг ҳам қатор ҳудудларида фуқароларнинг айрим тоифаларини мажбурий эмлаш жорий этилмоқда. Мисол учун, Москвада аҳолининг асосий қисмини мажбурий эмлаш йўлга қўйилган. Хўш, бизда ҳам шундай тажрибага эҳтиёж борми?



## Нега вакцинация жараёни суст кетмоқда?

Аввалроқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакцинация бошлангандан буён Ўзбекистонда 685,5 минг киши коронавирусга қарши тўлиқ эмлангани, бу доимий аҳолининг (33,9 миллион) 2 фоизи ёки 19 ёшдан катта бўлган аҳолининг 3,1 фоизини ташкил этишини айтиб ўтганди. Масъулларнинг фикрича, эмлаш жараёнлари суст кетаётганига аҳоли ўртасида эмланишни истаётганлар сони камлиги, вакцинага нисбатан ишончнинг пастлиги сабаб бўлмоқда.

Чиндан ҳам, айти пайтда коронавирус профилактикаси бора-сида халқимиз орасида иккига бўлиниш бор. Биринчи гуруҳ — ҳар нима бўлса-да, ҳеч қандай вакцина олмаслик ҳамда барчасини Аллоҳдан деб билгувчилар. Иккинчи гуруҳ эса иложи борича тезроқ ва ишончлироқ вакцинани олишга ҳаракат қилаётганлар. Сўнгги

тарқалаётган хабарлар фонида иккинчи гуруҳга мойиллик ошиб бормоқда.

— Ўзбекистонда уч мингдан зиёд эмлаш пунктлари ва саккиз юздан ортиқ мобиль бригадалар эмлаш учун шай қилинган, — дейди **Коронавирусга қарши курашиш**



**штаби аъзоси Нурмат Отабеков.** — Ҳозир бу пунктлар яна кўпайтирилди. Лекин, афсуски, шунча пунктларда бир кунда 130-140 минг нафар фуқаро эмланыпти. Бу рақам жуда кам, чунки аҳолининг 60-70 фоизи эмлансагина коронавирусга қарши оммавий иммунитет ҳосил қилиш мумкин. Вакцина олишни мажбурий қилиш тўғри фикр назаримда. Россиядаги каби эмланмаган фуқароларни ишга қўймаслик каби амалиётни ҳам татбиқ этиш керакдир.

Ўз навбатида, бундай ёндашувни бир қатор депутатлар, сиёсатчилар ҳам қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев касалликка қарши оммавий эмлашни ихтиёрийликдан мажбурийликка ўтказиш кераклигини, шунда кутилган натижага тезроқ эришилишини

қайд этган.

## Мажбурлаш рағбат шаклида бўлиши керакми?

Сўнгги маълумотларга кўра, Европада аҳолини тезроқ вакцина олишга турли хилдаги рағбатлантириш усуллари қўлланилмоқда. Улар, ҳатто ўзаро «Соронапаспорт»лар ҳам жорий қилишмоқда, яъни эмланганлар ҳеч қандай чегарасиз «Шенген» доирасида саёҳат қилиши мумкин. Биздачи? Афсуски, махсус сертификатни олганларга ҳеч қандай енгиллик берилмаган.

Тўғри, талабаларга вакцина олса, контракт тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши айтилди. Бироқ талабалар аҳолининг қанча қисмини ташкил этади? Бугина имтиёз билан одамларни оммавий эмлашга жалб қилиб бўладими? Бу ҳақда фикр билдирар экан, депутат Дониёр Ғаниев одамларни мажбурлаш эмас, «carrot and stick» ёндашуви асосида, яъни таққ ва рағбатлантириш комбинациясидан фойдаланиш кераклигини айтади.

— Бир томондан, вакцина олганларга тўлов ёки хизматлардан имтиёзлар, қўшимча дам олиш ютуқли лотереялар ёки пулсиз кўринишдаги бошқа мукофотлар тақдим этиш



мумкин, — дейди **Д.Ғаниев.** — Бошқа томондан, 2021 йил 1 октябрдан савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш субъектларига фаолият кўрсатиши учун ходимларнинг камида 70 фоизи вакциналанган бўлишини талаб қилиш, вакцина олмаган

фуқароларга четга чиқишни чеклаш, самолёт ва поездлардан фойдаланишни ёки спорт тадбирлари, концертлар ва савдо марказларига боришни тақиқлаш орқали аҳолининг маълум қатламини билвосита вакцина олишга мажбурлаш мумкин.

Бу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратмоқ лозим: агар эмлаш мажбурий шаклда олиб борилса, шунга яраша шароит ҳам яратиш керак. Яъни одамлар қайси вакцинани танласа, ўша билан эмланиши, бунинг учун вакцина захираси олдиндан ҳисоб-китоб қилиниши даркор. Қолаверса, вакцина нисбатан ишончли уйғотиш, рағбатга элтувчи воситаларни янада кўпайтириш керак.

Бу жараёнда қатор йирик ташкилотлар томонидан барча ходимларини ёппасига вакцинациядан ўтказишга тайёргарлик кўрилатгани билан боғлиқ хабарлар қувонарли, албатта. Бу тарзда вакцинациялаш маъмурчилиги ва ташкилотчилиги анча арзон ва самарали бўлган йўлдир.

## Ишончсизлик қачон йўқолади?

Тан олиш керак, ҳали-ҳамон кўпчиликда вакцинага нисбатан ишончсизлик кайфияти ҳукмрон. Тўғри, бу борада тарғибот ишлари кучайтирилди, «Мен вакцина олдим» ҳештеги остида турли давлат ташкилотлари раҳбарлари, вазирлар, ҳокимлар, танлиқли шахслар жонли эфирларда эмланмоқда. Бироқ бу камлик қилаётгандек. Аксига олиб, аҳоли орасида турли асоссиз, ҳеч қандай мантиқ ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган миш-миш ва ёлғонлар тарқалиши тўхтамаяпти.

— Эмлаш тадбирларида мутлақо иштирок этмаган ва мамлакат-

мизга олиб келинган вакциналар ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган айрим юрtdошларимизнинг чет элда туриб, халқимиз орасида вакцинага нисбатан ишончсизлик уйғотиши ачинарли, албатта, — дейди **Нурмат Отабеков.** — Аслида бундай одамларнинг вакциналарни зарарли дейишига ҳеч қандай асосли фикри йўқ ва уларнинг гап-сўзлари қуруқ сафсатадан бошқа нарса эмас. Соғлом фикр билан ўйласак, бугун вакцинадан бошқа ушбу касалликни енга оладиган бирорта самарали восита кўринмаяпти. Яъни касалларни рўйхатга олиш, беморларни шифохоналарга ётқизиш ва даволаш билангина бу хасталикни енга олмаймиз. COVID-19 инфекциясининг олдини олиш учун эса жамоавий иммунитет керак. Жамоавий иммунитет фақат икки йўл — оммавий касалланиш ва эмланиш билангина шаклланади.

\* \* \*

Н.Отабеков таъкидлаган биринчи йўл — оммавий касалланиш нақадар хавфли йўл эканига ўтган бир йилдан ортиқ вақт давомида барчамиз гувоҳ бўлдик. Шундай экан, ягона йўл — эмлаш орқали мустаҳкам иммун қўрғонини шакллантиришдир. Зеро, бугун дунёдаги санокли мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам 18 ёшдан юқори бўлган фуқароларни оммавий эмлаш учун барча шароитлар яратиб берилди. Фақат ундан фойдаланиш қолди, холос. Пандемия шароитида биз яқка ҳолда хавфсиз қола олмаймиз ёки чексиз муддат карантинда яшай олмаймиз. Жамоавий хавфсизлик тез муддатда ва ёппасига вакциналаш билангина рўй бериши мумкин.

**Иброҳим Пўлатов.**



# ДЕҲҚОННИНГ КОСАСИ ҚАЧОН ОҚАРАДИ?

Ҳозирги кунда аҳоли орасида энг кўп муҳокама бўлаётган мавзулардан бири — сабзи нархининг кескин кўтарилгани билан боғлиқ. Чунки яқиндагина узоғи билан 2-3 минг сўм бўлган сабзи бугун АҚШ доллари билан ҳам рақобатлаша бошлади. Бу ҳақда эса интернет тармоғида турли шаклдаги «қулгули лавҳалар» кўп айланмоқда.



## Энди шу жойда савол туғилади:

деҳқоннинг етиштирган маҳсулоти қиммат бўлса ёмонми? Ёки нега ўсимлик ёғи, бензин, метан кўтарилса, бир-бирига нолиш билан чегараланган постлар сабзи нархига келганда бунчалик дод-вой қилишмоқда?

Авалло, шуни таъкидлаш лозим: халқимиз ўзидан «сал юқорида турувчи» деб ўйлайдиган шахс ёки гуруҳларга ҳеч қачон қаршиликлари кучли бўлмайди. Бу нарсани ҳаётимизнинг ҳар қадамида учратишимиз мумкин. Лекин ўзи билан тенг ҳуқуқли фуқаролар билан аёвсиз курашади.

Деҳқон ерини шуд-горлаб, унга ишлов бериб, сабзини бир неча ойда етиштирса ва уни «**бозор кўтарган нарх**»да қимматга сотса, бунинг нимаси ёмон? Ахир бир кунда ҳеч қандай арзирли, тушунтиришларсиз нархлари кўтарилиб кетаётган маҳсулотлар атрофимизда кўп-ку? Ўзи анча йиллардан бери **илк марта деҳқоннинг елкасига «офтоб тегяпти»**, бунда ҳам фақат сабзи эккан деҳқоннинг омади чопди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирган кўпчилик деҳқонлар муттасил зарар кўриб келишмоқда.

Бунга мисол қилиб

пиёз етиштириб, ҳатто қилган харажани қопламаётган деҳқонларни келтириш мумкин. Шу халқнинг фарзанди сифатида бемалол шуни айта оламанки, **яқин 5-8 йил ичида қишлоқда ўз томорқасида 7-8 ойлаб пиёзнинг ҳосилига кўз тикиб турган деҳқоннинг «косаси оқармаган»**. Ҳар йили тонналаб пиёз чириб кетгач, ариқларда оқизилади ёки харажати ўзини оқламагани учун далада устидан трактор солиб ҳайдаб юборилади. Ҳали булар ўз томорқасида ишлаганларнинг аҳволи, улардан ташқари, бор сармоясига кузда фермер-

дан ер ижарага олиб, ўша жойга пиёз экиб, хонавайрон бўлган деҳқонларнинг аҳволини ким сўрайди? Аслида бу ердаги пиёз маҳсулоти ўрнига картошқама, карамми ёки шунга ўхшаш бошқа маҳсулотни экиш ҳам мумкин.

Шунга ўхшаш ҳолатлар деярли ҳар йил такрорланавергач, қишлоқ аҳолиси орасида **деҳқончилик қилишни хоҳловчи қатлам бора қамайиб борапти**. Ўз томорқасида ойлаб маҳсулот етиштириб, уни ҳатто ўз нархига сота олмагач, ким ҳам деҳқончиликка қизиқарди. Қишлоқ жойлардаги кўпчилик аҳоли ўзаро

олди-бердини пул пайдо бўлишидан олдин — «натура» деб номланган энг қадимги усул орқали ҳам амалга ошириб кўришди. Лекин бу ҳам оилани боқишга етарли бўлмагач, ишга яроқли эркаклар, ҳаттоки, аёллар Россия, Туркияга ёки Тошкентга кунлик иш қидириб кетиб қолишяпти.

Шу каби муаммоли ҳолатларнинг илдизи-га эътибор бермаган баъзи «уддабуронлар» эса ўша қишлоқ жойларга бориб, «воқеа жойидан қайноққина» лавҳалар тайёрлашмоқда. Яъни уйда томорқаси оила фарзандлари чет элда қора ишларни қилиб юрган «дангаса»лар деган мавзуларда кўплаб лавҳаларни кўрмаган инсон бўлмаса керак. Шу лавҳада бирор-та мард чиқиб савол бермайдик, ўзи шу томорқанга муаммо-

сиз сув келадими ёки етиштирган маҳсулотнинг сотишга бозор борми, деб.

Хуллас, неча йиллардан бери илк марта деҳқоннинг битта маҳсулоти, яъни сабзи қимматлашди. Бу аслида дод-вой соладиган ҳодиса эмас. Мазкур ҳодисага тобора камёблашиб бораётган, томорқасида қолиб, деҳқончилик қилишга берилмаган рағбат деб қараш керак эмасми? Балки томорқасида бошқа маҳсулот етиштирадиган деҳқонларни ҳам ўз ерларида қолиб ишлаши учун рағбатлантириш керакдир. Акс ҳолда, яқин ўн йилликларда қишлоқлардаги потенциал деҳқонларимизни йўқотамиз ва энг керакли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четдан импорт қилиб олиб келишга мажбур бўламиз.

**Жуманазар  
ТОШБОВ.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### «БОҚИМАНДАЛИК БАЛОСИГА УЧРАГАНЛАР БОР...»

Маҳалламиз Каттакўрғон шаҳрининг марказида жойлашган. Худудимиз «драйвери» — тикувчилик. 4 та тикувчилик цехи ҳамда якка тартибда иш олиб бораётган хотин-қизларимиз бор.

Улар, асосан, аёлларга, болаларга либослар, чойшаблар ва кўрпа-тўшак тикишга ихтисослашган. Бундан ташқари, 40 та ҳар хил йўналишдаги тадбиркорлик субъектлари фаолият юритади. Шу боис бизда ишсизлик кўрсаткичи паст.

#### Муаммолар бор.

Асосий муаммомиз, бу — сув қувурларининг жуда эскириб кетгани билан боғлиқ. Ҳар қандай вазиятда ёрилиб кетиши ёки ишдан чиқиши мумкин. Маҳалламизда 8 та кўча бўлиб, шундан 6 тасига канализация қувурларини тортиш керак. Ҳозир фақат иккита кўчага ўтказилган, холос. Бу муаммолар бўйича мурожаатлар қилганмиз. Кейинги йил дастурига киритилди, дейишган.

**Яна бир гап.** Айни



**Муҳтарам СУЛТОНОВА,**  
Каттакўрғон шаҳридаги «Ҳайдарчман» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

пайтда давлатимиз эътибор бермаган бирон-бир соҳа қолмади. Ёрдамга муҳтожларнинг барчасига кўмак берилди. Аммо боқимандалик балосига учраганлар ҳам бор. Керак бўлса давлат берсин, олиб бериши шарт, дея талаб ҳам қўйишади. Устига-устак, эринмасдан ҳар хил ташкилотларга ёзишдан ҳам чарчашмай-

ди. Баъзан бундай ҳолатлар вақтимизни олади. Чунки ҳар бир мурожаат яна ўзимизга қайтиб келади.

**Таклиф.** Маҳалла раисига жамоатчилик асосида ишлайдиганлар катта таянч. Мана шундай маҳалласи учун беминнат хизмат қилаётганлар рағбатлантирилиб турилса, яхши бўларди. Бу борада қандайдир тизим яратиш керак.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Етим болаларга ойлик тўлов бериладими?

— Ҳукумат қарори билан етим болалар таълим муассасаларида таълим-тарбия оладиган муддатда тўлиқ давлат таъминотида бўлиши ҳақида эшитдим. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз...

**Саодат АҲМЕДОВА,**  
Сирдарё вилояти.

### Севара ЎРИНБОВЕВА, Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Худди шунд ай. Ҳукуматнинг «Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, бундай тоифадаги болаларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида (490 минг сўм) пул маблағлари тўланади.

Тўлиқ давлат таъминоти пул нафақалари ҳамда озик-овқат маҳсулотлари, кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар билан таъминлаш, шунингдек, транспортда юриш карточкаларидан иборат бўлади. Давлат таъминотида бўлган болаларга таълим муассасасини битираётганда, ишга қабул қилинаётганда кийим-бош, пойабзал ва бошқа буюмлар сотиб олиш учун БҲМнинг 100 баравари, йўл харажатлари учун БҲМнинг 5 баравари миқдорида битирув нафақаси берилди.

Маҳалла раислари билан суҳбатлар чоғида оилавий ажралишларнинг янги бир сабаби «урф»га кириб бораётгани тўғрисида эшитамиз. Уларнинг таъкидлашича, мамлакатимиз қонунчилигида айрим ҳолларда аёллар учун жуда катта имтиёзлар бериб юборилган.

# АЛИМЕНТ ВАСВАСАСИ

## АЖРАЛИШЛАРГА САБАБ БЎЛЯПТИМИ?

Бу, айниқса, оилавий ажралишлар пайтида яққол намоён бўлиб қоляпти. Айрим ҳаётга енгил қарайдиган келинлар оилавий ажралишлардан эрдан алимент ва тураржой ундириш воситаси сифатида фойдаланмоқда.

Бундайлар фарзанд туғиб олгач, ажралиш пайига тушиб қоляпти. Аёл оилавий вазифаларини бажариш мажбуриятидан қутилиб, эрига тегишли уй-жойнинг бир қисмига эгалик қилиш, бундан ташқари, фарзанди учун анча йилларгача собиқ турмуш ўртоғининг даромадидан бир қисмини олиб туриш имконига эга бўляпти. Ота битта бола учун 25 фоиз, иккитага 33,3 фоиз, уч ва ундан ортиқ бола учун ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида алимент тўлайди. Аммо бу маблағлар болалар учун сарфланаётганини назорат қилувчи бирор тизим мавжуд эмас. Аксар ҳолларда

муаммо ана шу тизимнинг йўқлигидан ҳам келиб чиқади. Эр собиқ хотинининг «ялло қилиб» юриши учун пул беришни истамай қолади.

Ўтган йилларда кўп тарқаган эр-хотин ўртасида бола талашини ҳолатларининг туб моҳияти ҳам аслида алимент ундириш талвасаси, деб ҳисоблайдиганлар бор. Зеро, фарзандларнинг она билан кетишга мутлақо қаршилиги, жон ҳолатда туққанидан беркинишга уринганига қарамай, аёллар болани олиш учун барча чораларни қўллаётгани шундай талқин қилинган.

### Ота-она қачон бу ҳуқуқдан маҳрум қилинади?

Бола талашини ҳолатлари вужудга келганида тарафлар бир-бирларини ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун ҳаракатга тушади. Хўш, ўзи бундай ҳаракатлар қандай вазият-



да қўлланилади.

— Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш фақат суд тартибидан, аниқ белгиланган асослар мавжуд бўлганда амалга оширилади, — дейди ҳуқуқшунос Фазилат Ҳақбердиева.

— Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан фақат қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган ҳолатлардагина маҳрум қилиниши мумкин. Яъни ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан бўйин товласа, узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муас-

сасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса, муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса, ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри(хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлсагина суд тартибидан амалга оширилади. Бошқа ҳеч бир ҳолат-

да ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкин эмас.

### Алимент тўлаётган оналар бор...

Аҳоли орасида алимент деганда, фақат ота ўз фарзандига давлат томонидан белгиланган маълум бир моддий маблағ бериши тушунилади. Ачинарлиси, бугунги кунда жамиятда нафақат алимент тўловчи оталар, балки фарзанди тарбиясидан воз кечган алимент тўловчи оналар ҳам кўпаймоқда. Оиладаги масъулиятли ва шарафли вазифани чин дилдан, ҳеч нолимай бошини мағрур кўтариб, ҳаёт қийинчиликларига ўзида куч топиб, атрофдагиларига мададкор инсон, бу — аёл, яъни мўътабар она. Афсуски, аёллар орасида шундай шарафли номга доғ тушираётганлар ҳам бор.

Ҳозирда республика бўйича **280 минг 68 нафар** алимент

тўловчи мавжуд бўлиб, шундан **2 минг 364 нафари** аёлларни ташкил қилмоқда. Ўз фарзандидан воз кечган бу аёллар кейинги ҳаётини қандай қурмоқчи экани ажабланарли.

Энди юқоридаги фикрга қайтсак. Оддий ҳаётини муаммолардан қочиш учун ажралиш ва алиментни танлаётган аёллар ўзи ва болалари келажагини ўйламаётгандек. Бундай ҳолатларга чек қўйиш учун эса тўланадиган алимент пулларининг сарфланиши устидан назорат ўрнатилиши лозим. Масалан, бошланишига алимент олаётган фуқаро, жила-қурса, бир йилда бир мартаба қандайдир комиссия олдида ҳисобот топширсин. Ҳисобот билан алимент тўлаётган тарафга танишиш ҳуқуқи берилса, айримлар учун яхшигина сабоқ бўларди.

**Шерали ҚИРҒИЗБОЕВ.**

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## «УМИДИМИЗ «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИДАН...»

Маҳалламиз Фарғонанинг тарихий ҳудудларидан бири. Бизда Қора соқий ота мақбараси жойлашган. Ҳозирда бу жой катта зиёратгоҳга айланган.

Ривоятларга кўра, қадимда қора от минган авлиё бир дарахт тагида дам олган экан. Шундан сўнг дарахт танасидан сув чиқа бошлаган. Сув жуда шифобахш бўлиб, турли дардларга даво ҳисобланган. Қора соқий — сув келтирувчи қора авлиё дегани.

**Ҳудудимизда муаммолар талай.** Аввало, бизда электр тизими мутлақо яроқсиз. Қўлбола симёғочлар, собиқ иттифок даврдан буён алмаштирилмаган симлар аллақачон авария ҳолатига келиб қол-

ган. Шамол бўлса ёки кучланиш озгина ортса, дарров узилиб кетади. Бу эса аҳоли ҳаёти ва саломатлигига ҳам хавф туғдирмоқда. «Подстанция»лар кучланишни кўтара олмайди. Ўтган йили аҳоли пул йиғиб бироз таъмирладик. Аммо эскини ямагунча эсинг кетади, деб бекорга айтишмаган. Бир неча марта тумандаги масъулларга мурожаат қилганмиз. Бу йил июнь ойида электр билан боғлиқ муаммо тўлиқ ҳал этилади, деб ваъда беришганди. Аммо, мана, июлнинг ҳам

ярмига келиб қоляпмизки, бирор иш қилингани йўқ.

**Энг долзарб муаммолардан яна бири** — ҳудудимизда мактаб йўқлигидир. Болаларимиз қўшни қишлоқдаги мактабга қатнашади. Мазкур таълим даргоҳининг учта бир қаватли биноси бор. Сиғими 800 нафарни ташкил қилади. Ҳозирда у ерда 1300 нафардан ортиқ бола таҳсил олмақда. Жорий йил яна ортса керак. Ўқиш уч сменана йўлга қўйилган. Охириги сменанинг дарслари кечки соат 19.30 — 20.00 лар



**Салоҳиддин ИБРАГИМОВ, Ёзёвон туманидаги «Қорасоқий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

атрофида яқунланади. Бундан ташқари, мактабнинг узоклиги оқибатида фарзандларимиз уйга жуда кеч қайтишга мажбур бўлишяпти. Соат кечки 17.00 даёқ тун қирадиган қиш ойларида бу жуда катта муаммоларни вужудга келтиряпти.

**Умидимиз «Обод қишлоқ» дастурига тушишдан.** 2019 йилдан буён шунга уринамиз. Аммо ҳали эришолмадик. Тегишли идоралар 2022 йилда дастурга киритилишимизни ваъда қилишган. Ўйлайманки, бу гал ваъдалар амалга ошади.

Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти кўчаларда ва ташкилотлар пештоқида хорижий тилда ёзилган эълон ва пешлавҳаларни давлат тилидагисига ўзгартириш, бу борадаги ишлар ўз вақтида юритилаётгани ҳақида кўп гапиради.

# ҚАЧОНГАЧА АЖНАБИЙ АТАМАЛАРГА «ҒАРҚ» БЎЛАМИЗ?

Аммо ҳар қандай қонун ёки жойлар ижроси жойларда, жамиятдаги ҳолатларда билинади. Кўряпмизки, бу борадаги ишлар сезиларли эмас, ўлда-жўлда. Кўчалар мантиқсиз ва шармандали тарзда хорижий, жумладан, рус тилидаги эълон, пешлавҳаларга тўла.

## Гўё ном ажнабий бўлса, одамлар чопиб келадигандек...

Бугун пойтахтнинг исталган кўчасига кирсангиз, 50-60 фоиз хорижий тиллардаги, 30-40 фоиз ўзбек тилидаги номларга, атамаларга, шiorларга дуч келасиз. Гўё юртимизда ўзбек тили эмас, бошқа тиллар давлат тилига айлангандек таассурот уйғонади. Масалан, савдо дўконлари, гўзаллик салонлари, бозорлар, кафеларга «Рафаэлло», «Бюти Ламур», «Берлют», «Миранда», «Элза», «Гранд», «Детская одежда», «Декамерон», «Салватини», «Арбат», «LADY салон красоты», «Солнышка», «Moscov safe», «VERSAL», «Dubay» каби номлар қўйилган. Албатта, чет тилларини ўрганишимиз, дунёга бўйлашимиз жуда зарур. Лекин бу ўзбек тилига лоқайд муносабатда бўлиб, ўзга бир хорижий тилни кўчаларга кўтариш керак,

дегани эмас-ку?

Эътибор беринг, бугунги кунда тадбиркор ўз бизнесини хоҳлаган хорижий номда атаб ҳужжатлаштироқда. Тегишли ҳужжатларни эса давлат ташкилотлари ҳеч бир қаршилиқсиз рўйхатдан ўтказиб бермоқда. Шундай экан, тил қонунига амал қилмаслик ҳолатлари ҳақида ишбилармонларни қўятуринг, давлат ташкилотларида ўтирган мутасаддилар ҳам ўйлаб кўришмайди. Гўё ном ажнабий бўлса, одамлар ковушини кўтариб чопиб келадигандек.

Ачинарлиси, жойларда ном қўйиш билан боғлиқ бундай ҳолатлар «болалаб» бормоқда.

Шундай пайтда ўз-ўзидан савол туғилади: хўш, ижтимоий ҳаётимизда давлат тили тўғрисидаги қонун билан боғлиқ бундай камчиликларнинг юзага келадиганини мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи органи — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатидагилар, қонунлар ижроси билан шуғулланадиган Вазирлар Маҳкамасидагилар билишмайдими? Билишади! Нега улар жим?!

Албатта, сўнги пайтларда тил ҳақидаги тортишувлар кўпайиб кетди. Аммо бирор натижа йўқ... Биласизми, нега? Чунки масаланинг мохиятини англаш йўқ. Шунча-

ки сиёсий қарашлар, шов-шувпарастлик ва ҳоказо... Бу ё ҳаёт, ё мамот масаласи экани, бунда меҳмондўстлик, кимнидир хафа қилиб қўйишдан қўрқиш ва ҳоказо сингари бач-



кана иддаоларга жой йўқлигини англаш йўқ. Ҳолат шундай давом этаверса, тил муаммоларини яна неча йил «чайнаб» юрамиз, ҳайронмиз.

## Ном берувчи ташкилотлар қаерга қараяпти?

Дунёга боқинг, бошқа элатлар тил қонунчилиги қанчалик амал қилаётганига гувоҳ бўласиз. Бу борада инглиз, фаранг, рус, олмон, испан, чинлардан ўрганадиганларимиз кўп. Уларнинг юртида фақат ва фақат ўз тиллари ҳукмрон. Ҳамма ишлари тугал ва ўз тилларида олиб борилади. Бирон бошқа миллат тилларини аралаштирмайди. Юртининг ҳар бир ерида ўз ёзувлари, ўз атамалари... Бизда-



йўқ?! Бу ўринда ном берувчи ташкилотлар қаерга қараяпти? Уларга давлат бежиз маош беряптими?

Кўриниб турибдики, ҳар бир ҳудудда ном қўйиш хизмати фаолиятини йўлга қўйишга эҳтиёж бор. Биринчидан, миллий маънавиятимизга зид «алмойи-жалмойи» номлардан қутиламиз.

Юз-юзлаб номлар, юз-юзлаб атамалар шундай: ажнабийча. Бу кечирилмас ҳолат эмасми? Ўз Ватанини, ўз халқини юрагидан севадиган инсон буни ҳазм қилолмайди. Бир ўйлаб кўринг, юртимизда бундай номларга дуч келган сайёҳ бизнинг она тилимиз ўзбек тили эканига ишонадими? Олифтагарчилик билан қўйилаётган чет элча «исмлар» она тилимиз мавқеининг пасайишига бош сабаб бўлмаётимикан?

Наҳотки, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» да жамланган 80 минг сўздан муносибини излаб топишга вақтимиз

Бош вазирнинг ўзи ҳам кўча ва аҳоли пунктларини номлаш, пешлавҳалар, реклама ва эълонларнинг давлат тилида берилиши сингари масалалар бўйича ўзининг танқидий фикрларини билдиргани: «Ҳурматли ҳокимлар, энди шу жойларда яшайдиган одамлар, масалан, ёшлар ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Сиздан қишлоғингиз ёки кўчангиз ҳақида сўраб қолса, қандай жавоб берган бўлардингиз? «Чўринди» маҳалласининг «Сирли табасум» кўчасиданман, «Чивинтепа» қишлоғининг «Алам» кўчасиданман дейсизми? Тилимизда бир-биридан чиройли, маънолари кенг сўзлар кўп-ку?! Қолаверса, ҳар бир маҳалланинг тарихи, иқлимни акс эттирадиган ном қўйиш мумкин эди-ку?! Оғизга келган гапни вайсагандек, бўлар-бўлмас номлар қўйгандан кўра».

\* \* \*

Она тилини кадрлаш ҳақида минбарларда шунчаки хўжақўрсинга гапирамиз, сўзларимизнинг амалий исботига қизиқиб ҳам кўрмаймиз. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинганига ўттиз йилдан ошди. Бироқ бу қонун ижроси билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳеч бир ташкилот, муассаса иш қоғозларини юртида ўша қонунга биноан иш кўрмайди. Шундай экан, она тилимиз ҳақидаги қонун ижросини кучайтириш, назорат қилувчи жамоатчилик гуруҳларини ташкил этиш, керак бўлса, қонундаги моддаларга хилоф иш тутганларга чора кўриш зарурдир балки. Шунда сафсатабозлик, тадбирбозликлардан узоқлашиб, она тилининг эъзози сари чинакам қадам ташлармиз.

Замира ШУКУРОВА.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### ПОЕЗДА ПОЙТАХТГА КИРИБ-ЧИҚИШ МУМКИНМИ?

— Аввалроқ Тошкент шаҳрига ўта зарурат бўлмаган ҳолларда автомобилда кириб-чиқишга чекловлар ўрнатилганди. Бироқ поездлар қатнови тўхтатилмади. Айтингни, пойтахтга поездда кириб-чиқиш учун чеклов ўрнатилмаганми?

Камол АБИЛОВ. Қашқадарё вилояти.

**Наврўз АШИРМАТОВ, Транспорт вазирлиги масъул ходими:**

— Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, темир йўл вокзалларига киришда доимий равишда карантин талабларига, санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, йўлов-

чиларнинг тана ҳарорати ўлчаниб, тиббий ниқоб ва қўлқоплар берилмоқда. Бундан ташқари, поездлар рейсга чиқишдан олдин ҳамда манзилга етиб боргач, йўловчилар вагондан тушганларидан сўнг санитария эпидемиология маркази ходимлари томонидан вагонларда дезинфекция ишлари

амалга оширилади. Шу боис поездларда Тошкент шаҳрига кириш-чиқишда ҳеч қандай чекловлар ўрнатилмаган.

Йўловчилар чипталарни «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти веб-сайти орқали «e-ticket.railway.uz»дан электрон тарзда ҳам харид қилишлари мумкин.

## Вазият қачон ўзгаради?

Куни кеча Бош вазир Абдулла Арипов барча вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Тошкент ва вилоятлар ҳокимликларига лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишни тезлаштириш бўйича топшириқ бергани ҳақида хабарлар берилди. Истардикки, ана шу муддат ичида номлар билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилса.

Зеро, аввалроқ

# ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ НОГИРОНЛАР МУАММОСИГА ЕЧИМ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Жамиятимизда ногиронлар билан боғлиқ муаммолар талайгина. Мисол учун, имконияти чекланган шахслар, ҳатто мактаб ва дорихона каби ижтимоий биноларга кириб-чиқишга қийналади. Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим шартлари етарли эмас.

Шу боис Ўзбекистон ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилди. Ратификация неча йиллардан бери ечилмай келаётган муаммоларни ҳал қилинишига тўртки бўлиши кутилмоқда. Хўш, ратификация нималарни ўзгартириши мумкин?

## Қонунларнинг 90 фоизи ишламаган

Меҳнат ҳуқуқлари — алоҳида оғриқли мавзу. Чунки ногиронлиги бор шахсларнинг иш топиши анча қийин. Уларнинг иш топиш эҳтимоли бошқаларга нисбатан қарийб 4 бараварга камроқ. Ўзбекистонда ишлаб оладиган ногиронлиги бор шахслар 346 мингдан ортиқ. Аммо уларнинг 7 фоизгина расмий равишда иш билан таъминланган. Жисмоний жиҳатдан ишлаб олиш имкони кўпроқ бўлган эшитиши заиф фуқароларнинг ҳам атиги бир фоизи иш билан таъминланган. Ногиронлиги бор болаларнинг таълим олишида ҳам етарлича муаммолар бор, пандемия эса буни янада аниқ кўрсатди.

Айнан шунинг учун халқаро конвенция ратификация қилиниши ишсизлик, таълим ва бошқа қатор муаммоларни ечишга тўртки, асосий дастур бўлишидан умид қилинмоқда.

— Ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларига оид миллий қонунларга мослаштиришимиз керак, — дейди **Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоқов**. — Ўтган 30 йил ичида ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишлаб қабул қилинган қонунларнинг 90 фоизи амалда ишламаётган эди. Сабаби, бу масала бўйича бизни ҳеч ким текширмаган: ўзимиз қонунларни чиқарганимиз ва назорати ҳам ташлаб қўйилган. Энди конвенцияни ратификация қилганимиз сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасида Ўзбекистон ҳам ҳисобот бера бошлайди.

Биринчи ҳисобот ратификациядан 2 йилдан сўнг, кейинги ҳисобот 4 йилдан сўнг конвенция амалда қандай ижро



этилаётгани ҳақида топширилади. Яхши томони, давлат ҳисоботи билан параллел равишда муқобил ҳисобот ҳам қабул қилинади. Муқобил ҳисоботни мамлакатда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, Ногиронлар ассоциацияси тайёрлайди. Агар муқобил ҳисобот бўлмаса, давлат ҳисоботи ҳам БМТда қабул қилинмайди. Шундай қилиб, ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқлари ҳимояси назорати пайдо бўляпти.

## «Тўсиқсиз муҳит» дастури нима?

Ўзбекистон конвенция талабларини бажариши учун миллий ҳаракатлар дастури ёки йўл харитаси (қандай номлашнинг фарқи йўқ) ишлаб чиқиши лозим. Унда энг долзарб муаммолар кўрсатилиши ва улар-

ни ҳал қилиш йўллари ҳамда индикаторлар қўйилиши керак. Бундай дастурнинг бўлиши жуда муҳим. Оддийгина мисол: Ўзбекистондаги биноларнинг 85 фоизи ногиронлиги бор шахслар ҳаракатланиши учун мослашмаган. Агар бундай шахс мактабга, дорихонага эркин кириб чиқа олмаса, у ўз ҳуқуқларидан қандай қилиб фойдаланади? Бу борада Ногиронлар ассоциацияси «Тўсиқсиз муҳит» дастурини таклиф қилмоқчи.

Ёки ҳозир Ўзбекистонда ногиронлик нафақалари миқдорини олайлик, улар ўртача 400 минг сўм. Бу пулга нормал яшаш имконсиз. Шунинг учун нафақа миқдорини ҳар чоракда инфляцияга қараб кўриб чиқишни ҳам таклиф қилинмоқда.

— Ногирон боласига ғамхўрлик қилаётган оналарнинг ҳеч

қандай нафақа олмаслиги — энг катта муаммодир, — дейди **О.Исоқов**. — Ногирон болани катта қилаётгани учун улар ҳеч қаерда ишлаш имконига ҳам, бирор-бир ёрдамга ҳам эга эмас. Бу масалани хотин-қизлар билан ишловчи бирор ташкилот кўтараётгани йўқ. Худди бу оналар йўқдай. Лекин улардан бизга кўпдан-кўп мурожаатлар келади. Конвенцияда эса ногиронлиги бор болаларни парвариш қилаётган ота-оналарга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш шарт, деб ёзиб қўйилган.

Хулоса шуки, конвенция қабул қилиниши ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш миллий тизимини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун халқаро ва хорижий грант маблағларини жалб қилиш имкониятларини яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистоннинг халқаро имижини яхшилаш имконини беради.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# ИДОРА ҚУРИЛИШИГА МАБЛАҒ ЕТМАЙ ҚОЛДИ

Маҳалламиз ҳудудида 5 та қишлоқ жойлашган. Аҳоли боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳамма хонадонда узумдан майиз қилинади. Битта хонадон бир йилда камида 10 млн. сўм даромад олади.

Маҳалламизнинг 80 фоиз аҳолиси ҳудудимизга яқин Зарметан тилло конида ишлайдди. Аҳолимизни шу кон боқяпти аслида. Уларда маош яхши. Бир ойда 10-12 млн. сўм ойлик олишади. Шу боис ҳудудимизда ишсизлик ва миграция умуман йўқ. Ерларимиз лалмикор. 7 та фермер хўжалигимиз бор. Яқинда йўллари-мизни асфальтлаштириб бўлдик.

**Муаммо бор.** Бешта қишлоқ учун битта

бўлса ҳам қишлоқ врачлик пункти қуриб берилса, яхши бўларди. Аҳоли тиббий хизмат йўқлигидан қийналишади. Туман марказигача 20 км.лик масофа. Тадбиркорлар кўмагида маҳалла идорасини қуриб бошлаган эдик. Аммо ҳозир қурилиш ишлари тўхтаб турибди. Сабаби маблағ тополмай қолдик.

**Таклиф.** Маҳалла раисининг иши жуда кўп. Аммо берилаётган маош ишга яраша

эмас. Бу хусусида ўйлаб кўришса, яхши бўларди. Бир ойда бир неча марта туман марказига боришга тўғри келади. Маошимиз ўзимидан ортмайди. Инсонга рағбат ва эътибор бўлсагина ишида унум бўлиши тайин.

**Мамарайим АШИРОВ, Қўшработ туманидаги «Юқори сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## БИЛАСИЗМИ



Байрам (ишланмайдиган) кунлари ходимларни ишлатиш ман этилади. Ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармоиши бўйича ишга жалб этишга фақатгина жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб, белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади. Бунда иш куни учун икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Шунингдек, байрам кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида 1 соатга қисқартирилади.

# «НЕФРИТ КҮЛИ» ҚУРИБ ҚОЛДИМИ?

**«Нефрит кўли» қуриб қолди». Бу хабар ўтган ҳафта республикамиз бўйлаб яшин тезлигида тарқади. Кўлнинг озгинагина сақланиб қолган қисми видео-лавҳаларини кўрмаган одам қолмади, чоғи. Масалани жорий йил жаҳонда кузатилаётган қургоччилик, сув танқислиги муаммолари билан боғлаб кўрсатишга урунишлар ҳам кўп учради. Тўлганида майдони 4 гектарга бормайдиган кўл мавзуси ҳатто хорижий ОАВда ҳам эслаб ўтилди. Хўш, аслида вазият қандай?**

Тан олиш керак, охириги вақтларда кўшни Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон давлатларида қургоччилик ва ғайритабиий иссиқ об-ҳаво яйловларнинг қуриб қолишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонга ҳам хавф солмай қолмайди. Айниқса, ҳозирда содир бўлаётган аномал иссиқлар сувга талабни кескин ошириши ва танқислигини келтириб чиқариши мумкин.

2020 йил ёз ойида энг иссиқ ҳаво июнь ойида 40,2 даражани қайд этган. Қолган ёз давомида ҳаво ҳарорати 39 даражадан ортмаган. 2019 йилда эса бунинг акси. Яъни чилланинг қоқ маркази июль ойида – 11 июлдан то 22 июлгача ҳаво ҳарорати 40 даражадан пастламаган. 2021 йил 3-7 июнь кунлари ҳаво ҳарора-

тида максимум рекорд қайд этилди. Ундан кейин эса нисбатан салқинроқ бўлган ҳаво массалари ҳукмрон бўлиб турди. Эрон ҳудудларидан келган ҳаво массалари июль давомида яна 1-2 марта меҳмон бўлиши мумкин. Бундай ҳаво массалари одатда 3-4 кун ҳукмронлигини кўрсатади. Айримлар «Нефрит кўли»нинг қуришига шу каби аномал иссиқлар сабаб бўлаётгани тўғрисида гапирмоқда.

## Бу ўзи қандай кўл?

Мавзу юзасидан Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассиси Нодиржон Йўлдошевнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Дарҳақиқат, «Нефрит кўли» кейинги йилларда аҳоли ўртасида ички туризмни ривожлантиришнинг йўналиши бўлиб келмоқда, — дейди Н.Йўлдошев. — Бу ерга ҳар йили апрель-июнь ойларида кунига ўртача 300-500 нафаргача меҳмон ташриф буюради. Уларни кўл ва кўл атрофидаги такрорланмас, эртақнамо манзаралар, кўл сувининг ўта совуқли-



ги ва тозаллиги жалб қилади. Унинг «Нефрит» деб аталишига ҳам айнан сувнинг ўта тиниқлиги сабаб. Биласиз, нефрит — хаворанг, шаффоф қимматбаҳо тош. Тиниқлигидан ҳатто орқа томони ҳам кўришиб туради. Бизнинг кўл ҳам шундай. Сув қанча кўп бўлмасин, туби кўриниб туради.

Бу каби сув ҳавзалари дунёда бармоқ билан санарли. Кўл Бўстонлиқ туманининг тоғли Пистон қишлоғи ҳудудида жойлашган. У 1966 йилда ҳудудда содир бўлган зилзила оқибатида вужудга келган. Кичикроқ қоя йиқилиб, табиий тўғонни ҳосил қилган ва ўта тиниқ ҳамда совуқ сув чиқадиغان бир неча булоқлардан ҳосил бўладиган жилғалар йўлини тўсиб қўйган. Сув тўпланиши билан булоқ-

ларнинг ўзи ҳам кўл остида қолиб кетади. Бу кўлда балиқ ёки бошқа сув жониворлари яшамайди. Бу ҳам сувнинг тиниқлигига ўз таъсирини кўрсатади.

## Ҳар ёзда ҳам шу бўлар такрор

Мутахассиснинг айтишича, жорий йил мазкур сув ҳавзаси атрофида кўпайиб кетган гап-сўзлар ҳудуд табиати билан мутлақо нотаниш одамлар томонидан тарқатилган. Зеро, «Нефрит кўли» қуримаган. Унда мавсумий сув камайиши ҳолати содир бўлган, холос. Бу ҳар йили июль-август ойларида кузатилади. Кўлнинг мазкур одатларини маҳаллий аҳоли ҳам, экологлар ҳам жуда яхши билишади. Кўлни ҳосил қиладиган булоқлар тоғдаги қорларнинг эришидан

«озуқланадилар». Одат бўйича қор эриб тугаши билан булоқлар ҳам қурийдилар. Сув эса аста-секин сизиб, пастга қараб кетиб қолади.

Аммо келгуси баҳордан кўл яна қайта тикланаверади. Бунинг ҳеч бир ваҳима қиладиган жойи йўқ. Эколог бундан ташқари ҳам айримлар томонидан «Нефрит кўли»га кириш тақиқлангани тўғрисидаги хабарларга изоҳ берди. Унинг-ча, ҳеч қачон бу каби тақиқ қўйилмаган. Кўл билан чегарадош ўрмон хўжалиги қўриқхонасида тозаллик кунлари эълон қилинган учун ўрмон хўжалигига кириш бир-икки кун тўхтатиб турилган ва ишлар якунлангач, яна йўл очилган. Кўлга эса ҳамма вақт бошқа томондан келиш имкони мавжуд эди.

Юқоридагилардан шов-шув қилинган «Нефрит кўли» муаммоси аслида ҳеч қандай муаммо эмаслиги кўришиб турибди. Бунинг на глобал иссиқ ва на қургоччилик билан алоқаси йўқ. Эртақнамо «Нефрит кўли» баҳорда яна юртимизга қайтади.

Улуғбек  
ИБОДИНОВ.



## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# «БАНДЛИК — КЎПЛАБ МУАММОЛАРГА ЕЧИМДИР»

**Ўйлаб қарасак, кўплаб иллатларнинг ортида бекорчилик, ишсизлик ётади. Тайинли машғулот бўлмаган ёшларнинг ёмон йўлларга кириб кетиши кўп кузатилса, эр ишламаган оилаларда моддий етишмовчилик сабаб жанжаллар келиб чиқиши ҳам табиий.**

Шу маънода маҳалламизда аҳоли ўртасида ишсизлик ҳолатларини камайтириш борасида фаол иш олиб бораёلمиз. Маълумки, ҳозирги кунда Президентимиз ташаббуси билан ғалладан бўшаган ерлардан ишсиз юрган ёшларга такрорий экинлар экиш учун ажратилляпти. Ана шу имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда ҳудудимизда яшовчи 70 нафар қийналган, эҳтиёжманд ва ишсиз ёшларга «Нурли Диёр Агро» МЧЖга тегишли ер майдонидан 0,25 гектардан берилишига эришдик. Фақат шу билан

чекланиб қолганимиз йўқ. Уларга экиладиган кўчат ва уруғларни олиб бериш учун саховатпеша инсонларни бириктирдик.

Айни пайтда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳам эътиборимизда. Шу мақсадда «Аёллар дафтари»ни шакллантиришда давом этиб, уларни тикувчилик цехларига ишга киритиш, имтиёзли кредитлар олишига кўмаклашиш каби ишларни бажаряёмиз. Шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда 70 нафар ёшларга ўзини ўзи банд

қилиш асосида меҳнат дафтарчалари очилди.

Ҳудудимизда ечим бизга боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳам бор. Улардан бири — ички йўлларимиз асфальтланмаган. Ёзда чанг-тупроқ, қишда лойга ботиб юришга қийналасиз. Шунингдек, маҳалламиздан серқатнов йўл ўтган. Унинг катта қисмида пиёдалар йўлаги (трауар) йўқ. Йўл четидан кетаётган одамларни эса катта тезликда ҳаракатланаётган автомобиллар хавотирга солади. Ўз навбатида бу йўлда автомобилларнинг ҳаракатланиш тезлиги



**Лола ШОНАЗАРОВА,**  
Янгийўл туманидаги «Қирариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

назорат қилинмаслиги, айниқса, болалар учун катта хавфни юзага келтирмоқда. Бу борада

тегишли идораларга мурожаат қилганимиз, аммо ҳозирча натижа бўлгани йўқ.



# ПОЕЗДА ЧИПТА ЙЎҚ, АММО ВАГОНДА БЎШ ЎРИНЛАР КЎП...

Поезд — бошқа транспорт воситаларига қараганда қулай ва чўнтак-боп транспорт воситаси саналади. Аммо соҳада чипта билан боғлиқ айрим камчиликларнинг барҳам топмагани кишини ўйлантиради. Чипталар борасида турли хил гап-сўзлар қулоққа чалинади. Токи, ўзим шу ҳолатни бошимдан ўтказмагунимча, очиги, бу ҳолатга ишонмагандим.

Яқинда иш юзасидан зудлик билан Тошкентдан Самарқандга боришимга тўғри келди. Бугун онлайн харидлар, исталган жойдан чипталар харид қилиш имконияти мавжуд. Бу, албатта, тезкор ва қулай. Электрон чипта харид қилиш учун онлайн савдога кирдим. Ҳар доимгидек, «Афросиёб» поездида чипта қолмаган. Ноилож ундан бир соат фарқ билан борадиган «Шарқ» поездига чипта харид қилдим. Ички қулайликлар ва хизматлар олдингидан анча яхши. Поездда бўш жойлар кўп эди. Кечки пайт Самарқандга етиб бордим.

Эртаси куни ишим битгач, яна вокзалга келдим. Кассадан билет сўрадим. Яна «Афросиёб»га билет йўқ. «Шарқ»га бор, бир

соатда Бухородан қайтади. Ҳозир ишим кўп, нариги кассага мурожаат қилинг», деди кассир йигит. У ердаги қиз эса: «Билет бор, фақат қиммати қолган, люкс жойлар, 199 минг сўмдан» деди. Ҳамма ҳам чўнтагига қараб чипта харид қилади. 80 минг сўмлик чипта қаёқдаю, 199 минг сўмлик қаёқда. Аслида, иккаласида ҳам бир манзилга етиб олиш мумкин. Кузатишга чиққан синглим: «Бир иложини қилинг, арзонроғидан бордир, ёш боласи бор, Тошкентга етиб олиши керак» дея илтимос қилгач, жой борлигини айтишди. Ўзим ҳам онлайн чипта олиш режимига кирдим-да, кассир қизга юзландим: «Яхши қиз, нега алдайсиз? Пластикда пулим йўқлиги учун онлайн харид



қила олмайгандим, мана, бўш жойлар турибди-ку?» дедим.

Хуллас, чипта сотиб олиб, поездга миндим. Хаёлимда турли фикрлар мужғон айланди. Бизда инсон омили бор экан, бундай ҳолатларга чек қўйилиши анча мушкул. Онлайн тизимни ҳамма ҳам билмайди. Чипта йўқ, деганидан кейин чипта топиш учун одамлар келишувга чорлаши тайин. Буни қаранг-ки, мен чиққан вагоннинг ўзида ўнта ўриндик бўм-бўш Тошкентгача келди. Бошқа

вагонлар лиқ тўла, деб ҳеч ким кафолат беролмаслигини ҳам англадим. Хўш, шундай экан, кассирлар назоратини қачон ва ким назорат қилади?

Бу масала бўйича мутахассисларга юзландим. Уларнинг таъкидлашича, бундай ҳолатда ҳар қандай фуқаро мурожаат қилиши ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши керак экан. Шундан кейин вазият бўйича текширувлар ва аниқ чоралар қўлланар экан. Менга ҳам худди шундай қилинг,

барчасига оидлик киритамиз, дейишди. Ҳатто бу мақола қиладиган мавзу эмас ҳам дейишди. Оддий фуқаро бундай мурожаат қилгандан кўра, кўча таксилари орқали ўз манзилига етиб олишни афзал кўриши тайин. Шу боис мурожаат қилишни эмас, аслида халққа хизмат қилаётган кассирларга ўз фаолиятини қай даражада бажариши кераклигини ўқитиш ва ўргатиш фойдадан ҳоли бўлмасмиди?!

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# ҲАРАКАТ ҚИЛГАН ОДАМДА МУАММО БЎЛМАЙДИ

Маҳалламиз шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса-да, одамлар, асосан, томорқа, иссиқхона ишлари, чорвачилик билан машғул. Ҳудудда болаларни боғчага қараб олиш даражаси кам эди, шу боис бу йил иккита муассаса ишга туширилмоқда. Ички йўлларимизни асфальтлаштириш белгиланган, бироқ бизга ажратилган «лимит» кам. Агар маҳалланинг барча кўчалари асфальт қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Ичимлик сув масаласида муаммомиз бор.** Ҳозирда маҳалладан ўтган қувур орқали бир-бирига туташ иккита йиғин аҳолиси сув билан таъминланган. Бироқ бу ҳар икки ҳудуд эҳтиёжини қондирмаяпти. Маҳаллаларга алоҳида қувурларда сув олиб келиш зарурати бор. Ўз навбатида, томорқа, иссиқхоналар учун сув масаласида муаммо йўқлигини айтиб ўтишим ўринли. Ҳудудга яқин каналдан тармоқ тортиб келганмиз.

**Бандлик ҳақида сўз кетганда,** аҳолини чорвачилик, томорқачилик орқали ишли қилишга ҳаракат қилишимиз. Бу борада ажратилаётган кредитлар ҳажми ҳам кўп. Шу ўринда айтишим керакки, ҳудудда тикувчилик фабрикалари ташкил этишга эҳтиёж бор. Бойсун эли азалдан хунарманд, тўқувчи сифатида машхур. Авваллари беқасам ишлаб чиқариш фабрикаси бўлар эди, икки навбатида 2,4



**Иброҳим РАҲИМОВ,**  
Бойсун туманидаги  
«Пойгабоши» маҳалла  
фуқаролар йиғинини  
раиси.

минг нафар киши ишларди. Ҳозир ҳам шундай фабрикалар қурилиши керак.

**Ҳаракат қилган одамда камчиликлар бўлмайди.**

Йиғинимизда айни шу тамойил асосида ишни йўлга қўйганмиз. Тўғри, масъул котиб масаласида кўпчилик фикр билдиряпти. Дарҳақиқат, уларга эҳтиёж бор. Бироқ ҳозирча бу штат берилмас экан, ишни тўғри ташкил этган ҳолда, масалаларга ечим топишимиз керак.

## МЕНДА САВОЛ БОР...



### «Ҳадяда эримнинг ҳаққи бўладими?»

— Дадам менга автомашина ҳадя қилди. Айтинг-чи, ҳадя қилинган мулкда турмуш ўртоғимнинг ҳам ҳаққи бўладими?

**Санобар ЭРКИНОВА.**  
Тошкент шаҳри.

**Махсума Ортиқова,**  
хусусий амалиёт  
билан шуғулланувчи  
нотариус:

— Йўқ, ҳаққи йўқ.

Оила кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, уларнинг биргаликдаги умумий мулк ҳисобланади.

Мазкур кодекснинг 25-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳга қадар ўзига тегишли бўлган мол-мулк, шунингдек, улардан ҳар бирининг никоҳ давомида ҳадя, мерос тариқасида ёки бошқа бепул битимлар асосида олган мол-мулк улардан ҳар бирининг ўз мулк ҳисобланади.

Демак, мазкур асосга кўра, эрингиз мулк талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.



# ДАРАХТЛАР ҚАЧОН ШАҲАРЛАРИМИЗГА ҚАЙТАДИ?



Ўзбекистонда дарахт кесиш «синдром» бошланганига анча бўлди. Ёдимизда, бир пайтлар ўрмондек кўринган пойтахтимиз, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Самарқанд шаҳарлари, ҳатто айрим туман марказлари, масалан, Пайариқ, Олтиариқ туманларидаги қадимий дарахтлар шу «синдром» оқибатида кўпориб ташланди. Натижада соя-салқин, одамлар учун жуда қулай ҳудудлар фақат бетон бинолардан иборат бийдек чўлларга айланди.

Халқ орасида бу воқеалар турлича талқин қилиб келинади. Айримлар дарахтлар «мебелчилар»га берилган ёки ўтин қилиб сотиш учун кесилган, деган иттиҳодларни ҳам илгари суришган. Аммо бу ундай эмас. Ҳар ҳолда, ўша пайтлар берилган расмий муносабатларда қурилишлар ва бошқа сабаблар кўрсатилган. Шукрки, кейинги пайтларда аста-секин мазкур «дарахт»дан қутилиб боряпмиз. Дарахт кесишга мораторий эълон қилингани юртимизни жуда катта муаммолардан асраб қолгани ҳам бор гап. Аммо шунга қарамай, айрим ҳолларда иллат

ҳамон учраб турибди.

## Шаҳарларимиз яна яшнайдимиз?

Энди йўқотилган кўкламни қайтариш вақти ҳам келди. Дарахтлар экилиши, шаҳарларимизда яшил зоналар яратилиши керак. Акс ҳолда на туризм, на қулайлик ва на тоза экология тўғрисида гапириб бўлмайди. Хўш, бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биргина Тошкент шаҳрида жуда катта ишлар амалга оширилиши кутилмоқда, — дейди **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси**

**масъул ходими Отабек Ашуров.** — 2023 йилга қадар пойтахтдаги яшил ҳудудлар кўлами кенгайтирилиши бўйича дастур ишлаб чиқилган. Жумладан, 2021-2022 йилларда 524 та маҳаллада яшил ҳудудларни суғориш учун 1500 та қудуқ бурғуланади. 130 км. пиёдалар ва 117 км. велосипед йўлаклари қурилади. 12 та боғ, 25 та яшил ҳудуд ва сайилгоҳлар ташкил қилинади. Энг асосийси, умумий майдони 140 гектар бўлган аттракционларсиз боғлар ва ҳар бир туманда кичик яшил боғлар ташкил қилиш режалаштирилган.

Этиборлиси, бу каби ишлар вилоятларда ҳам олиб борилади. Натижада тез орада шаҳарларимиз яна яшилликка қайтиши мумкин. Аммо бу борада аксар шаҳарларимиз ўта тиқилинч эканини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим. Масалан, Тошкентнинг ўзида йирик дарахтзорларни барпо қилишга жой топиш мушкул маса-

ла. Бундан ташқари, суғориш иншоотлари, тармоқлари кўплаб шаҳарларда яроқсиз ҳолатга келган.

## Катта дарахтлар ўрнига мавсумий гулларми?

Қиммат, серхаражат бир йиллик гулларни экишга муккадан кетилган. Ваҳоланки, бунинг учун сарфланган пулларга яшигина дарахтзорларни ташкил қилиш имкони бор. Масалан, биргина Жиззах шаҳрида битта корхона 2020 йилда шаҳар кўчаларига мавсумий гуллар экиш учун давлатдан 2 миллиард сўмлик буюртмани қўлга киритганини эшитган эдик.

Энди оддий «чўт»га ташласак. «Қўйлик деҳқон бозори»да битта кўп йиллик дарахт, мисол учун, гилос кўчатининг нархи ҳолати ва навига қараб 10-20 минг сўмгача сотилади. Қишин-ёзин ям-яшил арчанинг қиймати ҳам шундай. Энди тасаввур қилинг, биргина Жиззах шаҳрида мавсумий гуллар учун 2020 йилда сарфланган пуллар эвазига ўртача 133 минг тупдан кўпроқ гилос, арча ёки бошқа турдаги кўп йиллик дарахтларни экиш мумкин эди. Бу бутун бир ўрмон демакдир. Агар ҳар йили шунчадан пул эвазига дарахтлар экилганида эди, 10 йилда Жиззах салкам бир ярим миллион туп дарахтлар яшнаб турган жаннатга айланарди. Юқоридаги каби ҳолат ва, ҳатто бундан анча кўп пуллар сарфланаётган шаҳар ва вилоятларимиз талайгина, афсуски.

Тўғри, бу билан мавсумий гулларнинг кераги йўқ, демоқчи эмасмиз. Аммо бирикки ойда қуриб, хазонга айланган ўсимликлар учун,

ҳозирча, бунча пул сарфлаш ўринсиздек.

## «Менинг туҳфам — 10 туп кўчат»

Бу ўринда илгариги йилларда амалга оширилган бир неча лойиҳаларни ҳам эслаб ўтиш керак. Ёдингизда бўлса, 2012-2015 йиллар орасида республика бўйлаб «Бир миллион туп дарахт экиш» лойиҳаси амалга оширилган эди. Чўлланишнинг олдини олиш, кўкаламзорлаштириш, глобал исил тенденцияларига қарши туриш учун уюштирилган мазкур тадбирга саноксиз волонтерлар, ёшлар, маҳаллалар, фермерлар жалб қилинди. Аммо қани ҳозир ўша миллионлаб туп ўсимликлар? Йўқ! Лойиҳанинг барбод бўлишига кўплаб сабаблар мавжуд. Аввало, кўчатларнинг эртани ўйламай, суғориш тизимларини тартибга олмай амалга оширилгани асосий омилдир.

Аммо 2016 йилда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан «**Мустақилликнинг 25 йилигига — менинг туҳфам**» акцияси озми-кўпми, иш берганини эслаймиз. Унда суғориш масалалари олдиндан назоратга олиниб, кўкаламзорлаштириш учун ҳудудлар жиддий танлаб олинганди.

Бизнинг-ча, кўкаламзорлаштиришда аҳолининг фаоллигини ошириш, турли акциялар, рағбатлар жорий этиш айна мударра бўларди. Масалан, маҳалла фаоллари ўртасида бирор имтиёзга эга кўкрак нишонлари ёки имтиёзли йўлланмалар жорий қилиш ҳам ғоявий қурол бўла оларди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ.**



## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# ГАЗ ИДОРАСИ ХОДИМЛАРИ АҲОЛИНИ АЛДАГАН

**Маркази Фарғона чўллари ичида жойлашган туманимиз об-ҳавоси водийнинг бошқа ҳудудларига нисбатан иссиқ ва қуруқ бўлгани учун қадимдан «Ёзёвон», бошқачасига «ёзи ёмон» деб аталади. Маҳалламиз туман марказида.**

Бизнинг ҳудудда қатор давлат идоралари, мактаблар, болалар боғчалари, истироҳат боғи, деҳқон бозори каби жойлашган. Тадбиркорлик ривожланган. Дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари кўп. Аҳолимиз сони уч ярим минг нафарга яқин. Туман марказида жойлашганимиз боис муаммолар ҳам деярли йўқ ҳисоб. Йўллар тартибга солинган, симёғочлар ўрнатилган, ичимлик сув ва электр энергияси таъминотида камчиликлар йўқ. Газ балонлар вақтида етказиб берилмоқда. Аммо мазкур масалада аҳолининг норозилиги

бор. Чунки атрофдаги маҳаллалардан фақатгина биз табиий газдан узилиб қолганмиз. Бунга 6 йилча муқаддам аҳолининг тумандаги газ идораси ходимлари томонидан алдангани сабаб бўлган. Улар маҳалла аҳолиси оқма газдан воз кечиб, баллонли газ таъминотига ўтишга рози, деган хулосани юқори турувчи ташкилотларга бериб юборишган. Ваҳоланки, биз ҳеч қачон ундай розилик бермаганмиз. Газ қувурлари, тақсимлагичлар ҳозиргача яроқли аҳволда сақлаб келинган, ўйлашимизки, тез орада уларни

тармоққа улаш, маҳалламиз учун лимит ажратиш масаласи ҳал этилади.

**Таклифим:** маҳаллаларга психолог шати ажратилиши керак, деб ҳисоблайман. Ўтган йили йиғинимизда вояга етмаган бир қизалоқ ўз жонига қасд қилди. Агар стресс, рухий босим остидаги инсонга вақтида сифатли психологик кўмак кўрсатилса, шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўларди.

**Отабек ЭМИНОВ, Ёзёвон туманидаги «Ёзёвон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Хабарингиз бор, 15 июндан 2021-2022 ўқув йили учун 1-синфга қабул бошланди. Эътиборлиси, жорий ўқув йилида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларидаги умумтаълим мактабларига 1-синфга қабул жараёнлари тажриба-синов тариқасида электрон шаклда ўтпти.

# 1-СИНФГА ҚАБУЛДА

## ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БЎЛДИ?

Қолган ҳудудлар умумтаълим мактабларида анъанавий шаклда амалга оширилмоқда. Тажриба-синов тариқасидаги қабул жараёни 2 та босқичда ўтмоқда.

Биринчи босқичда ота-оналар 2021 йилнинг 15 июндан 5 июлига қадар [my.maktab.uz](http://my.maktab.uz) электрон платформаси орқали рўйхатдан ўтиб, фарзандлари 1-синфга чиқадиган мактабни танлайди. Бунда 3 та мактабни танлаш имконияти берилди. Биринчиси ота-она доимий истиқомат қилаётган ҳудуддаги мактаб, яъни яшаш манзили бириктирилган микроҳудуддаги, иккинчи ва учинчиси эса ихтиёрий танлови асосидаги мактаб.

Иккинчи босқичда 2021 йилнинг 6 июлидан 31 июлга қадар ота-оналар электрон платформа орқали танлаган биринчи мактабга ҳужжат топширади. Жараён тўлиқ электрон шаклда амалга оширилиб, ота-оналарнинг доимий яшаш манзили бўйича бириктирилган микроҳудуддаги мактабга жойлашлари кафолатланади. Агар ота-она микроҳудуддан

бошқа мактабни танлаган бўлса, бўш ўринлар бўлган тақдирда 1-15 август кунлари ҳужжатларини топширишлари мумкин.

### Анъанавий қабул қандай бўлади?

Қабул анъанавий шаклда амалга ошириладиган ҳудудларда ота-оналар 2021 йилнинг 15 июндан 15 июлга қадар доимий яшаш манзили бўйича бириктирилган микроҳудуддаги мактабга ҳужжат топширади. Шунингдек, 16 июлдан 15 августга қадар ота-оналарга ихтиёрий танлов асосида бошқа мактабларга, яъни микроҳудудга кирмаса ҳам бўш ўринлар бўлса, фарзандларини 1-синфга қабул қилиш учун бошқа мактабга ҳужжатларини топшириш имконияти берилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 1-синфига янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига асосан, етти ёшга тўладиган йилда, яъни бу йил 2014 йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар туғилган болалар тўлиқ қабул қилинади.

Шунингдек, мазкур қонун талаблари бошқа вазирлик ва идоралар тасарруфидаги, мулкчилик шаклидан қатъи назар, яъни барча нодавлат хусусий таълим муассасалари учун ҳам мажбурийдир.

Олти ёшдан етти ёшга бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлаш Мактабга таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Умумтаълим мактабларига бириктириладиган микроҳудудлар маҳалларнинг жойлашуви ва аҳолининг демографик ўсишини инобатга олган ҳолда туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори асосида белгиланади. Ҳудудларда янги уй-жойларнинг қурилиши ёки маъмурий ҳудудий чегараларнинг ўзгариши сабабли туман (шаҳар) ҳокимликларининг қарори билан умумтаълим мактабларига бириктирилган микроҳудудлар қайта ўзгартирилиши мумкин.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларига қабул жорий йилнинг 10 июнидан 10 июлга

қадар давом этади. Ҳужжатлар [my.maktab.uz](http://my.maktab.uz) сайти орқали электрон шаклда амалга оширилмоқда. Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларига 5-синфдан, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга 7-синфдан қабул амалга оширилиб, саралаш танловлари Давлат тест маркази томонидан 12-30 июль кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

### Ҳарбийлар фарзандини мактабга қандай жойлаштиради?

Шу ўринда чет эл фуқароси фарзандини умумтаълим мактабига ўқишга жойлаштириш учун қандай талаб қўйилишига ҳам ўхшатиб ўтсак. Улар ҳам [my.maktab.uz](http://my.maktab.uz) электрон платформаси орқали рўйхатдан ўтиб, ўзининг ҳамда фарзандининг шахсий (яшаш гувоҳномаси, паспорти, фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва бошқа) ҳужжатлар нусхасини тизимга юклайди.

Ҳужжатлар ҳудудий бошқармалар ҳузурида тузилган махсус ко-



миссия томонидан 3 кун муддатда ўрганиб чиқилади. Яшаш (вақтинчалик рўйхатдан ўтган) манзили бўйича бўш ўринлар мавжуд мактабга жойлаштирилади, агар шахсий ҳужжатлар тўлиқ бўлмаса, рад этилади.

Шунингдек, яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтмаган ҳарбий хизматчилар ҳам фарзандини умумтаълим мактабига ўқишга жойлаштириш учун электрон платформа орқали рўйхатдан ўтиб, яшаш жойи бўйича давлат солиқ идоралари рўйхатидан ўтган ижара шартномаси (бунга ҳарбий хизматчи эканини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ҳам) ёки тегишли ҳарбий қисм (муассаса) томонидан яшаш манзили кўрсатилган маълумотни тизимга юклайди. Ҳужжатлар модератор томонидан 3 кун муддатда ўрганиб чиқилади ва хулосаси SMS-хабарнома тарзида юборилади.

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфларига, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ўқувчиларни 5 ва 7-синфга қабул қилиш учун Давлат тест маркази томонидан филология, ижтимоий фанлар, аниқ фанлар, табиий фанлар, хорижий тиллар, технология фанларнинг тегишлилиги бўйича биттасидан тест синовлари ўтказилади.

Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаларини ташкил этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарорида ало-

ҳида фан йўналишлари кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно.

\* \* \*

Шу ўринда янги тартиб бўйича қабул жараёнида айрим ноқулайликлар бўйича ҳам изоҳ бериб ўтиш лозим. Жумладан, 5 мингга яқин ота-оналарда маълум техник муаммолар — жой номларини киритишда хатоликлар юзага келгани кузатилди. Сабаби — кўча, маҳалла номлари шу пайтгача рақамлаштирилмаган. Бу тизим онлайн бўлгани сабабли ота-она мактабга бормаслиги учун платформа Ички ишлар вазирлиги, Рақамли Тошкент тизими, Адлия вазирлиги билан ўзаро интеграция қилинди.

Саволларга жавоб бериш учун Call-марказ ташкил қилинган. Кунига ўртача 1500 тага яқин кўнғироқ бўлади. Бундан ташқари, алоҳида модераторлар гуруҳи ҳам ишляпти, аризаларни тўғри топширишда кўмаклашапти. Яна мурожаатлар сони бирданига кўпайиб кетиши ҳисобига телефонга тушиш қийин бўлётгани ҳам бор гап. Шу вазиятда нафақат Call-марказ орқали, балки ижтимоий тармоқ, платформанинг телеграм канали орқали ҳам ота-оналарнинг ариза топширишдаги муаммолари ҳал қилинади. Таҳлилларга кўра, умумий топширилган аризаларнинг 15 фоизиди муаммолар юзага келмоқда. Уларни оператив ҳал қилишга эришяпмиз, 5 мингдан ортиқ ариза қайта тахрирлашга юборилди.

**Лайло РУСТАМОВА,**  
Халқ таълими  
вазирлиги ахборот  
хизмати раҳбари.

## ТАКЛИФ

### «Янги Ўзбекистон»даги янгиликлар

**«Янги Ўзбекистон» маҳалласи Сардоба тошқинидан кейин барпо этилган бўлиб, бу ерга вилоятнинг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолиси кўчиб ўтган. Аввал бу ерлар ташландиқ жой эди. Бугун обод ва кўркем бўлди.**

Мазкур ҳудудларда янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиб, янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллада 800 та хонадондан иборат 40 та 5 қаватли уй қурилди. Бунинг учун маҳалла ҳудудидан қарийб 12 гектар ер майдони ажратилиб, кўп қаватли уйлар «White city construction» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қисқа фурсатларда барпо этилди. Ушбу янги биноларда электр энергия, табиий газ, ичимлик ва оқова сув таъминоти мавжуд. Ҳудудда маҳалла

гузари, «Янги авлод» мактабгача таълим ташкилоти, 6 та болалар майдончаси, йўл қоидаси ўқув майдончаси, новвойхона, сартарошхона ва кутубхона бор.

Маҳалла раиси сифатида 2021 йил март ойида сайландим. Иш бошлаган илк кунларимдан давлат яратиб берган шароит билан чекланмай, яна қандай ишлар қилиш бўйича режа туздим. Ўрганишлар натижасида маҳалламизга, аввало, мактаб зарурлигини белгилаб олдим. Чунки фарзандларимиз умумтаълимни «Ҳақиқат» маҳалласидаги мактабда олишмоқда. Иккинчи катта маса-

ла — аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш. Ҳозирда мавжуд иш ўринлари талабга нисбатан камлик қилади. Шу боис туман ҳокимлигига ҳудудимизда 1000 кишилик янги иссиқхона ташкил этиш таклифи билан чиқдим. Қолаверса, аҳолига тиббий хизмат сифатини яхшилаш учун ҳудудда алоҳида Қишлоқ врачлик пунктига ҳам зарурат бор.

**Жамолiddин ЮНУСОВ,**  
Мирзаобод туманидаги «Янги Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

# ҲИМОЯ ОРДЕРИ АЁЛЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛЯПТИМИ?

Минг афсуски, жамиятимизда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик, уларнинг калтакланиши ёки руҳий босимлар остида қолиши каби иллатлардан халос бўлганимиз йўқ. «Уйдаги гапни кўчага чиқарма» қабилда тарбия кўрган аёллар кўпинча бор ҳолатни яширишга уринишади. Ҳатто ўз уйида зўравонликка учраётганини яқинларига ҳам айтишмайди, кўрқинишади ёки истиҳола қилишади. Бунинг ортидан эса бир қанча муаммолар келиб чиқади.

Аммо буни ўзгартириш вақти келди. Оилада хотин кишига нисбатан бўладиган зўравонлик иллати ҳақида узоқ вақт мамлакатимизда очиқ гапирилмади. Лекин бугун вазият тубдан ўзгармоқда. Ҳатто гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳага оид 25 та қонун ҳужжати қабул қилинди, реабилитация марказлари, «Ишонч телефонлари» ташкил этилиб, зўравонлик курбонларига ҳимоя ордерлари бериш йўлга қўйилди. Ҳўш, ҳимоя ордери аёлларни ҳимоя қила оляптими?

## Қонунни кучайтириш керакми?

Таҳлилларга кўра, бир йил ичида 15 минг нафар хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Бундай ордерлар кўпроқ Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳиссасига тўғри келган. Юқоридаги рақамлар ортида бир аёлнинг, қола-



верса, бир оиланинг эртанги тақдири ётади. Уларда вояга етаетган фарзандларнинг руҳий ҳолатини тасаввур этишининг ўзи фожианинг дебодасидир.

— Боғча ёшидан бошлаб, қиз болаларга, онаси ва опасига ҳурмат ҳисси билан тарбияланган, кучли, жасоратли йигитлар ожиза, ўзи билан тенглаша олмайдиган қизни ҳеч қачон хафа қилмайди, бошқага ҳам хафа қилдириб қўймайди. — дейди **Сенат раиси Танзила Норбоева**. — Биз аёллар юксак ҳурматга эга бўлган жамиятни шакллантиришимиз керак. Бунинг ўзи бизнинг қон-қонимизда бор, лекин издан чиқиб кетган. Биринчи

тажрибамиз — қонунни қабул қилиб, ҳимоя ордерини жорий этгандик. Кўряпмизки, янада чуқурроқ ишлашимиз керак экан. Энди қонунни янада кучайтирамиз, буни ҳаётнинг ўзи кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйича 14 мингга яқин аёл ўз уйида эри ёки яқин қариндоши томонидан ўлдирилади. Зўравонликлар билан боғлиқ жиноятларнинг 40 фоизга яқини оилаларда содир этилади. Шу боис бундай зўравонлик замоннинг жиддий муаммоларидан бири сифатида бутун дунёда тан олинган. Энг ажабланарлиси, оилавий зўравонлик сабаблари иқтисодий қийинчи-

ликлар билан ўлчанмайди, яъни иқтисодий тараққиёти қандай бўлишидан қатъи назар, маиший зўравонликлар жаҳондаги барча мамлакатларда учрайди. Бой ёки камбағаллигидан қатъи назар, бу иллат барча аҳоли табақалари ўртасида қайд қилинади.

## Ҳимоя ордери оиладаги муаммони еча оладими?

Дунёдаги ҳар уч аёлдан бири ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта турмуш ўртоқлари томонидан калтакланади. Бундай ҳолат, табиийки, аёлнинг нафақат саломатлиги, балки руҳиятига ҳам зарба беради.

— Бутун дунёдаги карантин ҳолатлари оилавий ажрашишлар даражаси ошгани ва гендер зўравонлик хавфи кескин ортиб борганини кўрсатди, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурда Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази директори Муқаддам Расулова**.

— Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Сенатнинг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан Швеция элчихонаси кўмагида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма лойиҳаси доирасида марказлар учун статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича электрон журнал ишлаб чиқилди. Бундай маълумотларни йиғиш Ўзбекистонда биринчи марта амалга оширилмоқда. Афсусланарлиси, оилаларда зўравонлик содир этиб бўлингандан сўнггина жабрдийдалар билан ишламоқдамиз. Ушбу масалага мутасадди бўлган давлат ва жамоат ташкилотлари биргаликда оилалар-

да зўравонлик содир бўлмаслиги чораларини кўриш, олдини олиш, профилактика масалаларини кучайтириш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Айрим эркаклар аёлларга нисбатан зўравонликни нормал ҳолат, деб қабул қилиши — энг катта муаммомиз. Оиладаги зўравонлик турли кўринишларда намоён бўлади. Мисол учун, эркак киши аёлига пул бермаса ва у уй бекаси бўлгани, фарзандларга қараётгани учун ишлашига имкон бермаса, бу — молиявий зўравонлик ҳисобланади. Аёлига ўз қариндошлари ёки дўстлариникига бориб келишга руҳсат бермаса, бу — ижтимоий зўравонлик деганидир. Эркак киши аёлига қўл кўтарса, бу — жисмоний зўравонликка киради. Ўзбек аёллари ҳар қандай ҳолатда сир сақлашга уринишади. Бундай ҳолатда энг ёмони жисмоний зўравонликка гувоҳ бўлган ёш болаларнинг руҳияти жароҳатланишидир. Катталар кўпинча кун сайин ўсаётган ва уларнинг хатти-ҳаракатларидан ўрناق олаётган болаларнинг тақлидчанлигини эсдан чиқаради. Оиладаги зўравонлик болалар тарбиясига салбий таъсир қилиши билан бирга, умрининг охиригача етгулик руҳий асоратлар ҳам қолдиради.

Ҳимоя ордерини олиш билан муаммо ечилмайди. Авваломбор, ўша оиладаги муҳитни соғломлаштириш зарур. Муаммонинг ечими топилсагина, оилада хотиржамлик бўлиши мумкин. Аксинча бўлса, ўша аёлга қайта-қайта ҳимоя ордери тақдим этилиш ҳолати бўлмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Жамиятимизнинг бундай оғриқли нуқталарини ҳал этишда маҳалланинг ва ундаги фаолларнинг ўрни бўлакча.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

### «ЕРГА ЧАНҚОҚ ЁШЛАРИМИЗ КўП ЭКАН»

Ёшларимиз ерга жуда чанқоқ экан, билмай юрган эканмиз. Президентимизнинг илк бор ёшларга ер ажратиш бўйича билдирган ташаббуслари маҳалла идорамизга кўплаб ёшларни етаклаб келди.

Шу тариқа баҳор фаслининг вилк кунларида «Ёшлар дафтари»га киритилган 30 нафар ёшга 10 сотихдан ер ажратиб берилди. Улар редискадан тортиб, барча сабзавот маҳсулотларини экишди. Ҳатто картошкадан ҳам яхшигина даромад олишди. Уларнинг барчасига такрорий экин экишлари учун ғалладан бўшаган ерлардан ер берилди.

Маҳалламиз «драйвери» — деҳқончилик. Ҳар бир хонадон томорқачи, барча сабзавот ва полиз маҳсулотлари ўзларидан чиқади. Аста-секин иссиқхона ҳам ривожланмоқда. Ҳозирда 18 та

иссиқхона бор, уларнинг 4 таси гулчилик билан шуғулланишади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик, касаначилик, савдо-сотиқ йўналишлари ҳам кенгайиб борапти. Биргина «Ёшлар дафтари»га киритилганларнинг 17 таси қорамол, 12 таси тикув машинаси, бир нафари қуёнчилик бўйича кредит олиб, бандлигини таъминлади. 32 нафар аёлимиз эса 5 млн. сўмдан имтиёзли кредит олиб, касаначилик билан шуғулланишяпти. Айна пайтда 20 нафар ёшларга 5 млн. сўмдан кредит бериш учун ҳужжатлари тайёрланиб, банкка

топширилди.

Бозорларда ва мавсумий ишлар билан банд аҳолимиз кўп. Шу боис айна пайтда ишсизлик муаммоси йўқ ҳисоби. Ишсиз бўлмаган аҳоли ўртасида эса жиноятчилик, ажралишлар ҳам бўлмайди.

Маҳалламизда ичимлик сув, газ, электр энергия таъминоти ҳам яхши таъминланган. Асосий кўчамизнинг 1 км. қисми асфальтланди, яна 1,5 км. қисми режада бор.

**Ойгул РАҲИМОВА,**  
**Андижон тумани**  
**«Зангибобо»**  
**маҳалла фуқаролар**  
**ийғини раиси.**

«Ҳашамат солиғи» тўғрисида эшитганмисиз? Албатта, дунёда айнан шундай номланган солиқ турининг ўзи йўқ. Аммо даромадга қараб, фоиз ҳисобида ҳам ўсиб боровчи — прогрессив солиқларни кўпчилик «бойлик учун» ёки «Ҳашамат учун йиғимлар» деб ҳам атайди. Масалан, бунда кам даромад кўрувчилар фоиз ҳисобида ҳам кам солиқ тўласа, кўпроқ даромадлилар кўп тўлашади.

# БОЙЛАР

## КўПРОҚ СОЛИҚ ТўЛАШИ КЕРАКМИ?

Ўхшаш ҳолат ўзимизда ҳам кузатилган. Ёдингизда бўлса, бир неча йил илгари ойлик маошларнинг миқдорига қараб солиқлар белгилаб эди. Бунда фуқароларимиз маошининг кам ёки кўплигига қараб 7 фоиз, 10 фоиз, 24 фоизгача солиқ тўлашган.

Шу кунларда айрим партиялар ўша тизимни янада такомиллашган кўринишини қайта жорий этишни таклиф қилишмоқда. Бунда энди солиқлар маошларга қараб эмас, бевосита фуқаронинг барча даромадларидан келиб чиқиб белгиланиши назарда тутилмоқда.

### Ҳашамат солиғи дунё тажрибасида

Масалан, Халқ демократик партияси матбуот котиби юқоридаги каби ташаббус билан чиқди.

— Мамлакатда бой ва камбағал аҳоли гуруҳлари ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ошиб бормоқда, — дейди Халқ демократик партияси Ахборот хизмати раҳбари Абдували Сойибназаров. — Даромадга ва мол-мулкка қараб, табақалаштирилган солиқ

жорий этиш адолатли солиқ солиш тизимини яратишга хизмат қилади. Бу ерда гап қимматбаҳо товарларга, масалан, ҳашаматли кўчмас мулк, қимматбаҳо машина ва заргарлик буюмларига солиқ солиш тўғрисида кетмоқда. Мамлакатда 4-5 миллион атрофидаги камбағаллар мавжуд. Дунё 80 йил ичидаги энг катта иқтисодий пасайишга дуч келган. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 24 июнь куни Европарламентдаги чиқишида бойликка солиқ жорий қилиш орқали олинган маблағ инсониятнинг пандемиядан кейинги ижтимоий-иқтисодий тикланишига ёрдам беришини таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Антониу Гутерриш: «Ўтган бир йил ичида дунёнинг бой одамлари мол-мулки 5 триллион долларга кўпайди. Мен ҳукуматларни дунёнинг бадавлат одамлари, жумладан, пандемиядан даромад олганларнинг мол-мулкига нисбатан бирдамлик солиғини ёки бойлик солиғини жорий қилиш имкониятини кўриб чиқишга чақираман. Уларнинг мол-мулкдан ундирилган



солиқ маблағлари ижтимоий-иқтисодий тикланиш лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилиниши керак», деган эди.

Бундан ташқари, Германия сўл партияси 50 миллион евродан юқори фойда топадиган кишилар даромадининг 10 фоизини ҳашамат солиғи сифатида ундириш таклифини илгари суряпти. Бу каби ташаббуслар бошқа ривожланган демократик давлатларда ҳам бор.

### Сайловолди қуруқ ПИАРми?

Дарҳақиқат, бу каби ташаббуслар аҳолининг асосий кўпчилик қисми томонидан қўллаб-қувватланиши турган гап. Омма психологияси таъсири, нархларнинг ошаётгани ва ҳоказолар мазкур ғояларни илгари сураётган

Тадбиркорлик қилиб, эндигина 200-300 минг доллар тўплаган, янада ривожланиб, келажакда минглаб инсонларни иш билан таъминлайдиган йирик корхоналарга айланиш арафасидаги субъектлар эгаларини ташаббускорликдан тўхтатиш, хафа қилиш каби салбий натижага олиб келса-чи? Даромадни яшириш одатлари авж олиши мумкин. Юртимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш, шу орқали пировардида аҳоли турмуш тарзини оширишга қаратилган сиёсатга тескари эмасми?

### Солиқ эмас, хайрия қилайлик

Бизнинг-ча, юқоридаги каби ташаббусларни илгани суришда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Бунда аҳолининг барча тоифалари учун мақул усуллар ўйлаб чиқиши керак.

Эҳтимол, ҳар бир туманда халқ депутатлари туман Кенгашлари назорати остидаги хайрия фондлари ташкил қилиниб, тадбиркорларни ихтиёрий асосда мазкур жамғармалар маблағларини шакллантириш ва бошқаришга жалб

қилиш орқали ўша назарда тутилаётган солиқлардан ҳам кўра кўпроқ маблағларни йиғиш мумкиндир. Бунда тадбиркор ўзи тўлаётган хайрия туманидаги қайсидир ночор инсоннинг оғирини енгил қилиш, бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун сарфланишини билиб туради. Бошқалардан кўпроқ солиқ тўлаётган, деган иддао, давлат олдидаги тили узунлик ҳолати вужудга келмайди.

Тўғриси, шундоқ ҳам ҳозирда кўпчилик хайрия билан шуғулланаётган интернет фаоллар, бошқа нодавлат ташкилотлар шу йўсинда иш олиб боради. Аммо бунда тўпланган маблағларнинг шаффофлиги масаласида катта муаммолар бор.

Туман Кенгашлари қошида ташкил қилинган жамғармалар эса мазкур муаммони ҳал этган бўлар эди. Аммо бу ерда ҳам «аммо» бор. Халқ депутатлари туман кенгашлари шаффоф ишлаши, халқ ишончини тўла қозониши учун, аввало, ҳоқимларнинг Кенгашга раислик қилиш ваколатини тугатиш лозим.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## АҲОЛИНИНГ 50 ФОИЗИ ИЧИМЛИК СУВИ ЙЎҚЛИГИДАН ҚИЙНАЛИШАДИ

Маҳалламизда иккита қишлоқ бор. Ўн йилдан бери раислик қиламан. Худудимиздаги ҳаммани бирдек танийман ва барчанинг ташвишу қувончидан хабардорман. Аҳолимиз, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади.

Фермер хўжаликлари ғалла ва пахтага ихтисослашган. Ҳозирда иккинчи экин экиш учун «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган 283 кишига бўлиб берилди. Деярли 80 фоизи экин экиб бўлди. Ҳаммаси ловия экишяпти. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, агар ҳосил яхши бўлса, бир гектар ердан икки

тонна ловия олинса, 30 млн. фойда кўрилади дегани.

**Муаммомиз бор.** Энг катта муаммомиз — ичимлик сув. Аҳолининг 50 фоизи ичимлик суви йўқлигидан қийналишади. Сув чиқадиган жойлардан қудуқлар қилинган. Томорқалар ҳам шу қудуқдаги сувлар билан суғорилади. Симёғочлар ҳам ўз даврини ўтаб

бўлган. Алмаштириш керак. Кейин худудимизда биронта ҳам болалар боғчаси йўқ. Қишлоқ врачлик пункти йўқлиги боис аҳоли қўшни маҳаллалардаги ҚВПларга қатнашади. Бу ҳам баъзида қийинчилик туғдиради.

**Таклиф.** Ишимиз ҳаддан зиёд кўп. 24 соат ишлаймиз, десам муболаға бўлмайди.

Айни дамда маҳалла раисларининг ишини енгиллаштириш ва самарали ташкил этиш учун хизмат машиналари ажратилса, ёмон бўлмасди. **Яна бир гап.** Шу пайтгача маҳалламизнинг идораси йўқ эди. Мактабда ижарада ўтирардик. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида бир тадбиркор янги бино қуриб берди. Шу

кунларда кўчиб ўтиш тадоригини кўряпмиз. Энди ўз идорамиз ва халқимизнинг келиб маслаҳатлашадиган, дардлашадиган маскани бор.

**Ақтам ШОНАЗАРОВ,** Пастдарғом туманидаги «Чандиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

# «МЕҲРИБОНЛИК» УЙЛАРИ ЁПИЛИШИ КЕРАК... (МИ?)

Ўзбекистондаги интернат муассасаларида яшовчи болаларнинг улуши шу ёшдаги аҳолининг ҳар 100 минг кишига 255 нафарни ташкил этади, бу — дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баравар кўп. Дунёдаги ўртача кўрсаткич эса ҳар 100 минг кишига 120 нафар болани ташкил қилади.



Сўнгги саксон йил давомида ўтказилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу каби институтлаштириш болаларнинг соғлиғи ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат муассасалар барча талабларга жавоб берган ва яхши молиялаштирилган тақдирда ҳам кузатилиши мумкин.

## Болалар оилаларга тегишли...

Тўғри, давлат «Меҳрибонлик» уйларидаги болаларнинг фаровон яшаши учун барча шароитларни яратмоқда. **Аммо ҳеч бир тарбиячи ҳеч қачон меҳрибон ота-онанинг ўрнини боса олмайди.** Шу боис бу ердаги болаларнинг ўз «шахсий ҳудуди», шахсий алоқалари йўқ. Баъзан улар қўллаб-қувватлашга, ҳамдардликка муҳтож бўлишади. Эҳтимол, улар шунчаки ким биландир гаплашишни ёки маслаҳат олишни

исташар. Бу нарсанинг йўқлиги уларни эзди ва шахсий фазилатларининг очилиш имконидан маҳрум қилади.

— *Болалар оилаларга тегишли, «Меҳрибонлик» уйларида эмас, — дейди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил Алия Юнусова.* — Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, институтлаштириш қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланган барча ёшдаги болалар жуда кўп тажовузларни бошдан кечиришади. Улар жисмоний ва жинсий зўравонлик, ғамхўрликнинг йўқлиги, шунингдек, одам савдоси ёки эксплуатациянинг бошқа кўринишларидан азият чекиш хавфи остида бўлишади. Болалар муассасаларида жамият кўзидан панада содир бўлаётган ҳолатлар устидан доимий назорат ва кузатув олиб бориш деярли имконсиз. Муассасаларнинг видеокузатув камералари билан жиҳозланиши эса юзаки чоралар ҳисобланади. Муаммони фақатгина васийликнинг оилавий шакллари ҳамда тутинган ота-оналарни қўллаб-қувватлаш хизматлари йўли билан ҳал этиш мумкин.

Айтиш керакки, институционализация битирувчиларга балоғатга етгандан кейин ҳам муаммоларни келтириб чиқаришда давом этади. «Меҳ-

рибонлик» уйлари битирувчиларининг тўсатдан катта ҳаётга ўтиши қийин кечади. Уларнинг ижтимоий яққаланиб қолиши, уйсиз ва ишсиз бўлиб қолиши, жиноятчига айланиши, руҳий саломатлигининг бузилиши ва улар ҳаттоки, ўз жонига қасд қилишгача бориши мумкин. Қолаверса, мустақил ҳаёт кўникмалари мавжуд бўлмагани натижасида улар жамиятга тайёр бўлмаган ҳолда чиқарилади.

## Болалар нега бу ерга ташлаб кетиляпти?

Таҳлилларга кўра, «Меҳрибонлик» уйларида топширилаётган болаларнинг ҳаммаси ҳам чин етим эмас. Мисол учун, ўтган йилги статистикага кўра, тарбияланувчиларнинг атиги 14 фоизининг на отаси ва на онаси бор. Суд қарори билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари 34 фоизни, отаси ёки онаси ҳаёт бўлганлар 24 фоизни, кам таъминланган оилалар фарзандлари эса 18 фоиз ташкил этган.

Бу ўринда бир жиҳат кишини ташвишга солади — фарзандини «Меҳрибонлик» уйларида топширганларнинг асосий илнжи давлат томонидан етимларга бериладиган имтиёзларга «илиниш» мақсадидир. Мисол учун, оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганларнинг фарзандлари 11-синфни битиргани-

дан кейин етим болалар статусига тушади. Шу сабаб уларга бериладиган барча имтиёзлардан фойдаланишади. Хусусан, бундай болалар муассасани таминланади. Уй олгандан кейин эса уларнинг отаси ёки онаси яна қайтиб келаётган ҳолатлар кўп учрамоқда.

Бошқа ҳолатда кам таъминланган оила фарзандлари аслида бир йилга жойлаштирилади, лекин амалда улар йиллар давомида қолиб кетишмоқда. Шу сабабли бундай оилаларнинг фарзандларини, шунингдек, отаси ёки онаси ҳаёт бўлган етимларни оиласи бағрига қайтариш чорасини кўришимиз керак. Чунки ота-онаси тирик бўла туриб, уларнинг фарзанди «Меҳрибонлик» уйида юриши халқимиз учун уятли ҳолат ҳисобланади.

Бундан ташқари, ногирон болаларни муассасаларга жойлаштиришгандан сўнг ота-оналар доим ҳам улардан хабардор бўлишмайди. Аслида, бу болани ташлаб кетиш билан баробардир. Демак, болалик ва оилани ҳимоя қилишнинг замонавий тизимини яратиш вақти келган.

## Муаммо аниқ, ечим-чи?..

Кўриниб турибдики, вазиятни давлат даражасида қайта кўриб чиқиш зарур. Жаҳон амалиётида давлатга болани муассасада боқиши эмас, балки у ўсаётган оилага ёрдам бериш анча фойдалидир. Бу оилаларни қўллаб-қувватлаш хизматлари ва болали оилалар учун хизмат турларини кенгайтириш чоралари бўлиши керак.

Қолаверса, халқаро даражада болаларни парвариш қилиш соҳаси катта муассасалар ўрнига оилавий ва жамоатчилик асосида бир қатор хизматлар кўрсатиш сари ўзгар-

моқда. Агарда «Меҳрибонлик» уйларида аста-секинлик билан воз кечилиб, инсоний ва молиявий ресурсларни профессионал васийлик ва ҳомийликни ривожлантиришга йўналтирсак, болаларни оилаларга тарбиялаш учун жойлаштириш орқали бюджетдан солиқ тўловчиларнинг пуллари камроқ сарфланган бўларди.

Бунинг учун маҳаллий даражада назоратни яхшилаб бориб, янги интернат муассасаларининг очилишига йўл қўймаслик, оилаларни қўллаб-қувватлаш ва реинтеграция хизматларини, шунингдек, оила ва ҳамжамиятда муқобил парваришни кучайтириш, мавжуд интернат муассасаларини болалар ва оилалар учун ижтимоий хизматлар марказларига айлантириш мақсадга мувофиқ.

Албатта, болалар уйлари ёпиш зарурлиги ҳақидаги гап кетганида, уларни бир соатда ёпиб ташлаш назарда тутилмайди. Биринчи навбатда, оилаларнинг ажралиб кетишига барҳам берадиган ижтимоий хизматларни ривожлантириш ҳамда ўз оилалари билан яшай олмайдиган болаларга муносиб муқобил таклифларни тақдим этиш зарур. Иккинчидан, инсоний ва молиявий ресурсларни қайта йўналтирган ҳолда болаларни босқичма-босқич муассасалардан уларнинг эҳтиёжларига кўпроқ мос келадиган васийликнинг оилавий шаклларига ўтказиш зарур. Энг асосийси, етимлик оқибатлари билан курашиш эмас, балки унинг олдини олиш, ҳимояга муҳтож оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш ҳамда инклюзив (уйғунлашган) ривожланишга кўмаклашиш зарур.

Севинч ҲУСАНОВА.

## ДАРВОҚЕ...

Жорий йил 1 январь ҳолатига республика бўйича жами 71,6 минг нафар бола васийлик ва ҳомийлик органлари назоратига олинган. 2019 йилнинг 1 мартдан бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,3 баробарга оширилган. 2011-2020 йилларда «Меҳрибонлик» уйлари тугатган ва уй-жойга муҳтож 1 минг 188 нафар битирувчидан 610 нафарига уй-жой берилган. Шу ўринда жорий йилда давлат бюджетидан 50 миллиард сўм маблағ ажратилиб, «Меҳрибонлик» уйлари-нинг 900 нафар битирувчисини уй-жой билан таъминлашга йўналтирилган.

Амалиётда истеъмолчи автомашина сотиб олишга қарор қилган, бироқ харид учун ўз маблағлари етарли бўлмаслик ҳолатлари учраб туради. Одатда бундай вазиятда истеъмолчи олдида икки йўл мавжуд: тижорат банкларидан қарзга маблағ олиш ёки кейинчалик сотиб олиш шарти билан автотранспорт воситасини ижарага олиш.

# ҚАЙСИ БИРИ АФЗАЛ:

## АВТОКРЕДИТМИ ЁКИ СОТИБ ОЛИШ ШАРТИ БИЛАН ИЖАРАГА ОЛИШ?

Аммо ёдда тутиш керакки, исталган шартномани тузишдан олдин, унинг нозик жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Қайси вариант қулай ва тўғри? Қандай қилиб фирибгарлар хийла-найрангларига тушиб қолмаслик керак?

**Шартнома тузиш шартлари қандай?** Масалан, **тижорат банкларидан автомашина учун кредит олмоқчи бўлсангиз**, кредитлар битта шартнома асосида автотранспорт воситасини расмий дилер орқали бирламчи бозордан сотиб олиш учун тақдим этилади. Аксарият ҳолларда гаров сифатида сотиб олинаётган автомашина қабул қилинади. Шунингдек, асосий иш жойи бўйича жисмоний шахснинг барқарор даромади қафолатлини мажбурий ҳисобланади. Қолаверса, суғурта полиси ҳам талаб этилади.

**Агар кейинчалик сотиб олиш шарти билан автотранспорт воситасини ижарага олмоқчи бўлсангиз**, бу иш икки босқичда амалга оширилади: дастлаб бўнак (аванс) тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида шартнома

тузилади, сўнгра кейинчалик сотиб олиш шартномаси имзоланади. Шунинг ҳам ҳисобга олиш лозим, агар ижарага олинаётган автомашина маркаси (тури) топилмаса, истеъмолчи хизмат кўрсатаётган корхона томонидан тақдим этиладиган учта вариантдан бирини танлашга мажбур. Агар истеъмолчига таклиф қилинган вариантлар ёқмаса, у пулни қайтариб олишга, фақатгина 40-60 иш кунни ўтганидан сўнг (корхонанинг сиз хоҳлаган автомашинани қидиришга яна 120 кун, жами 180 кунгача) ҳақли ҳисобланади. Бу жуда муаммоли масала. Шу боис Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига айнан шундай муаммолар билан дуч келаётган истеъмолчилардан кўп-лаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

**Истеъмолчи фойдасига «ишламайдиган» яна бир муҳим шарт:** агар дастлаб шартномада таклиф қилинган транспорт воситаси тақдим этилмаса, ижарага берувчи ҳеч қандай мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди. Яъни корхона



сизнинг маблағингизни деярли 6 ой давомида сақлаб тургани, вақтингизни олгани, хизмат кўрсатмагани учун ҳеч қандай молиявий ёки бошқа йўқотишларга дуч келмайди.

Шунингдек, бўнак (аванс) тўлов шартномаси ва сотиб олиш шарти билан ижара шартномаси корхона томонидан 5 дақиқа ичида нотариал тасдиқланмасдан ва бошқа ҳужжатлар талаб қилинмасдан тузилади.

**Биринчи ҳолатда** банк билан шартнома тузган истеъмолчи автомашина эгасига айланади, **иккинчи ҳолатда** истеъмолчи ижарачи

ҳисобланади ва автомашинага эгалик ҳуқуқи унга тегишли бўлмайди. Устига-устак корхонадан ҳар ойда транспорт воситасини бошқариш учун ишончнома расмийлаштирилиши лозим.

**Қўшимча харажатлар ҳам бор.** Банк орқали автомашинани кредитга олишда ҳам, кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага олишда ҳам маълум қўшимча харажатлар мавжуд. Мисол учун, банк кредитини олишда суғурта полисини расмийлаштиришингиз керак бўлса, аванс тўлови шартномасига биноан ижарага олувчи лизинг олиш учун ҳужжатларни йиғиш,

тайёрлаш ва расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун транспорт воситаси умумий қийматининг 10 фоиз миқдорида бўнак (аванс) тўлаши лозим. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, автомашинани рўйхатдан ўтказиш учун қўшимча харажатлар (маълумотнома, техник паспорт, давлат рақам белгиси, техник кўрик, банк комиссия тўлови) истеъмолчининг ўзи томонидан алоҳида амалга оширилади.

**Молиявий санкциялар-чи?** Автокредит шартномасига кўра, кредитни тўлаш муддати кечиккан ва муддати ўтган қарз юзага келган тақдирда фоиз ставкаси оширилади (ҳар бир банк ўз фоиз ставкасига эга). Автомашинани кейинчалик сотиб олиш шарти билан **ижарага олиш шартномасига кўра**, бундай ҳолларда бир нечта санкциялар қўлланиши кўзда тутилган: ижарага олувчи томонидан ижара ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаслик учун ҳар бир кечиккан кун ҳисобида санкция ва автотранспорт воситасини ижарага берувчининг талабига биноан мониторинг қилиш учун ўз вақтида олиб келмаслик учун санкциялар. Бундай хизматларни кўрсатувчи аксарият корхоналарнинг шартномаларида, шунингдек, агар ижарага олувчи тўловни тўлаш учун ижарага берувчининг олдида келишини имкони бўлмаса, тўловни олиш учун юборилган ходимлар хизмат сифари харажатлари ҳам ижарага олувчи ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган.

**Шартномани бекор қилиш мумкинми?** Хўш, турли хил сабабларга кўра, молиявий аҳволи ва тўлов қобилияти ёмонлашган истеъмолчи шартнома шартларини бажара олмаган тақдирда уни нималар кутиши мумкин? Тижорат банклари томонидан ажратиладиган автокредит бўйича тўловларни қарз олувчи ўз вақтида тўлай

олмаса, банк томонидан гаров сифатида олинган автотранспорт воситаси сотувга қўйилиб, қарз миқдори қопланади, қолган маблағ истеъмолчига қайтарилади. Сотиб олиш шарти билан автомашина ижарага олинган тақдирда, транспорт воситаси олиб қўйилади ва истеъмолчига маблағ қайтарилмайди.

**Унутманг**, турли корхоналар билан (банклар эмас) иш олиб боришда дастлаб ҳеч қандай хавф йўқдек ва аксинча бу қулай шартлар тақдим этилгандек туюлиши мумкин. Сиз банкка кредит сўраб мурожаат қилишингиз, унинг берилишини кутишингиз ва юқори фоиз тўлашингиз шарт эмас. Тўловларни 36 ойга (3 йил) тақсимлашнинг ўзи кифоядек. Бироқ турли корхоналар тақдим этаётган шартлар остида сизга кўринмаётган ва охири пул маблағларингизни ортиқча сарфлашингизга олиб келиши мумкин бўлган бир қатор яширин талаблар мавжудлигини ёдда тутишингиз лозим.

**Шундай экан**, шартнома шартлари, ундаги томонларнинг жавобгарлигини диққат билан ўрганиб чиқинг. Ўз молиявий хатарларингизни минималлаштиринг ва исталган келишувдан самарали фойдаланинг. Агар ушбу соҳада сизнинг истеъмолчилик ҳуқуқу ва манфаатларингиз бузилган бўлса, у ҳолда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига 1159 ишонч телефони орқали, шунингдек, consumer.uz веб-сайти орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Билиб қўйинг, мазкур соҳа Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида», «Гаров тўғрисида», «Ижара тўғрисида»ги қонунлари ва Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади.

**Шоҳбоз ЗАРИПОВ,**  
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бош мутахассиси.

### МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

## «МАҚСАДИМИЗ – БАРЧА ХОНАДОНЛАРДА ИССИҚХОНА ҚУРИШДИР»

Узоқ йиллардан буюн маҳалла тизимида ишлаб келяпман. 2016 йилдан эса раис бўлиб ишлайман. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, кейинги йилларда маҳаллага катта эътибор қаратилиб, амалий ёрдам берилмоқда.

Бугунги раислар ҳақиқий ислохотчига айланмоқда. Ҳудудидаги мавжуд муаммоли масалаларни тегишли ташкилотларга олиб чиқиб, ижобий ҳал этишмоқда. Қувонарлиси, маҳалламиздаги «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилганлар ва вақтинча ишсизларга 200 килограмдан бугдой берилиб, 10 сотихдан ер ажратилмоқда.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 40 тадан ортиқ хонадонга имтиёзли кредит асосида иссиқхоналар қуриб берилди. Улар редискадан тортиб, бақлажону картош-

кагача экиб, яхшигина даромад олишяпти. Эрта баҳорда 10 сотихдан ер олган 14 нафар ёшларимиз ҳам сабзавот ва полиз маҳсулотлари экишиб, оилавий бюджетини яхшилашмоқда.

Шунингдек, 12 нафар аёлимиз 5 млн. сўмдан имтиёзли кредит олиб, касаначилик, пазандачилик, қандолатчилик фаолиятини йўлга қўйишди. Яна 2 нафар маҳалладошимиз 30 млн. сўм кредитга мебель цехи, яна бир нафари нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлашди.

Маҳалламизда ичимлик сув, газ, электр

энергия таъминоти ҳам яхшиланмоқда. Қўшимча 62 та темир-бетон устунларга берган аризамиз ижобий ҳал этилса, электр таъминотида муаммо қолмайди. Шунингдек, 6 та кўча-мизга шебен ётқизилди.

Эндиги мақсадимиз – мавжуд имкониятдан фойдаланиб, барча хонадонларда иссиқхоналар ташкил этишдир. Бунинг учун ер ҳам, сув ҳам етарли.

**Юлдузхон ЙЎЛДОШЕВА,**  
Андижон тумани «Жаҳонбод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.




# ҚУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР, АЗИЗ МАҲАЛЛАДОШЛАР! «ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» АКЦИЯСИ БОШЛАНДИ

Сиз «Mahalla» газетасига 2022 йил учун обуна бўлсангиз, газетанинг **МОБИЛЬ ИЛОВАСИ БЕПУЛ** тақдим этилади. Энг **АСОСИЙ ЯНГИЛИК** эса бундан буён нашримизга обуна бўлиш орқали Сиз **ҲАР ОЙДА БИР МАРОТАБА**

**5** та рангли телевизор;



**5** та замонавий ноутбук;



**5** та кир ювиш машинаси



**5** та замонавий музлатгич;

**1** та «Nexia 3» **АВТОМОБИЛИ**



**ҚАБИ СОВҒАЛАРДАН БИРИНИ-ЮТИБ ОЛИШ  
ИМКОНИЯТИНИ ҚўЛГА КИРИТАСИЗ**

**«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БўЛИНГ ВА АВТОМОБИЛЬ СОҲИБИГА АЙЛАНИНГ!**

**АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИШ  
ШАРТЛАРИ ЖУДА ОДДИЙ**

Сиз ҳудудингиздаги **БАНК ФИЛИАЛЛАРИДА** ёхуд **ИСТАЛГАН МАНЗИЛДАГИ «Paynet»** шохобчаси ва «Click», «Payme» тўлов тизимлари орқали газетамизга **БИР ЙИЛЛИК** обунани амалга оширасиз.

Бунда тўлов варақасида туман ёки шаҳрингиз, маҳаллангиз номи ва исм-фамилиянгиз ҳамда телефон рақамингиз **Тўғри ва Тўлиқ** кўрсатилиши шарт.

Тўлов варақасидаги маълумотларингиз таҳририят томонидан алоҳида **ТАРТИБ РАҚАМИ** билан белгиланади ва мазкур рақамли маълумотлар ҳар ҳафта «Mahalla» газетасида эълон қилиб борилади. Берилган махсус рақам орқали Сиз ютуқли тиражимизда **ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИГА** эга бўласиз.

**ШОШИЛИНГ!**

**БИРИНЧИ ТИРАЖИМИЗ**

**2021 йил 1 АВГУСТ КУНИ СОАТ 17:00 ДА  
«МАНАЛЛА» ТЕЛЕКАНАЛИНИНГ  
«ЮТУҚЛИ ГАЗЕТА» КўРСАТУВИ ЖОНЛИ  
ЭФИРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

Дастлабки ўйинда 1 июлдан 30 июлгача газетага обуна бўлган барча фуқаролар қатнашиши мумкин.



**МУРОЖААТ УЧУН  
ТЕЛЕФОНЛАР:** (71) 233-10-92  
(71) 233-39-89  
(97) 146-02-07

Батафсил маълумот: [https://t.me/Xolis\\_nazar](https://t.me/Xolis_nazar)  
<https://www.facebook.com/Xolis-Nazar>  
[https://www.instagram.com/xolis\\_nazaruz](https://www.instagram.com/xolis_nazaruz)

**УНУТМАНГ, АКЦИЯДА ИШТИРОК ЭТИБ, СИЗ ҲЕЧ НАРСА ЮТҚАЗМАЙСИЗ —  
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ЙИЛ ДАВОМИДА 52 МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗ МЕҲМОНИГА АЙЛАНАДИ!!!**

**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

**МУАССИС:**

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»  
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот  
ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан  
давлат рўйхатидан  
ўтказилган.

Бош муҳаррир  
**Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ**  
«Mahalla» газетаси муҳаррири  
**Санжар ИСМАТОВ**  
«Mahalla ko'zgusi» журнали муҳаррири  
**Рустам ЮСУПОВ**  
Саҳифаловчи:  
**Илҳом БОЛТАЕВ**

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.

Газета  
таҳририят  
компьютер  
марказида  
саҳифаланди ва  
офсет усулида  
босилди.

Баҳоси келишилган нарҳда. **Нашр кўрсаткичи: 148**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табок, 7780 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-718 1 2 3 4 5 6